ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ ВА МУСТАҲКАМ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (2604) | Жума, 20 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

АКА-УКАЛАРИМИЗ ВА ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ— СОВЕТ КИШИЛАРИГА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА БОЛГАРИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИ

Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетига мактуб юборди. Мактубда айтиладики, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 26 февралда бўлиб ўтган пленуми ўртоқ Тодор Живков бошчилигида Совет Иттифоқига бориб келган Болгария партия-ҳукумат делегациясининг фаолиятини тўла равишда маъқуллади. Пленум делегациянинг вазифаси тўла муваффақият билан бажарилганлигини хурсандлик билан қайд қилади.

Болгария партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити ва Болгария — Совет қўшма баёноти қабул қилинганлиги, дейилади мактубда, болгар халқида ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз — совет кишиларига, КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва Болгариянинг энг яхши дўсти шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга янги катта ва зўр қардошларча муҳаббат ва миннатдорчилик ҳисларини авж олдириб юборди.

Мактубда Болгарияга катта илтифот ва ғамхўрлик қилинаётганлиги учун, Болгариянинг эҳтиёжлари ва проблемалари тўла равишда тушунилаётганлиги учун, Болгарияга яна зўр ёрдам кўрсатилаётганлиги учун, Болгария Коммунистик партиясига юксак баҳо берилганлиги, қардошларча ҳурмат ва ишонч билан қаралаётганлиги учун ташаккур изҳор қилинади.

Болгария — Совет қўшма баёноти қабул қилинганлиги натижасида ҳар иккала мамлакатнинг буюк ва ҳаётбахш дўстлиги ўз тараққиётида янги, тағин ҳам юксак босқичга кўтарилмоқда. Бу баёнот Болгарияни Совет Иттифоқи билан янада, тағин ҳам кўпроқ яқинлаштириш йўлини белгилаб берди.

Биз учун, дейилади сўнгра мактубда, КПСС ҳамиша буюк устоз ва қардош, халқаро коммунистик ҳаракатнинг мислсиз авангарди, марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмига содиқликда барча қардош партиялар учун ажойиб ўрнак ва ибрат бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, Совет Иттифоқининг тажрибаси эса ҳамиша жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай. КПСС ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети КПССнинг XX ва XXII съездларида тарихий қарорлар, Совет Иттифоқида коммунизм қуришнинг улуғ Программасини қабул қилиш билан марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришда янги буюк шижоат кўрсатдилар, халқаро коммунистик ҳаракатни юксалтиришга зўр куч бағишладилар. (ТАСС).

ТАРИХИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Болгария Компартиясининг Марказий Комитетига мактуб юбориб, КПСС XX ва XXII съездларининг қарорларини, КПСС Программасини қизғин қувватлаганликларини яна бир марта изҳор қилганликлари ҳамда Болгария Компартияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитетига юборган мактубида мазкур ҳужжатларнинг халқаро аҳамиятига юксак баҳо берилганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

КПСС, дейилади мактубда, Болгария Коммунистик партиясини ҳамиша жаҳон коммунистик ҳаракатининг илгор, чиниққан отрядларидан бири деб ҳисоблаб келди. Совет коммунистлари ҳар иккала партия ўртасида вужудга келган ва ривожланиб бораётган самимий қардошлик муносабатларини қадрлайдилар.

Биз, дейилади мактубда, сиз азиз дўстларнинг, Болгария партия-ҳукумат делегациясининг Москвага қилган визити натижалари ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг дўстлигини, партияларимизнинг алоқаларини, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожланишнинг янги, тағин ҳам баланд босқичига кўтаради, деб айтган фикрларингизга тўла равишда қўшиламиз. Бу муносабатлар мамлакатларимиз ўртасида пролетар интернационализми, тўла тенг ҳуқуқлилик ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш принципларига, халқаро социалистик меҳнат тақсимотига ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашишга асосланган тағин ҳам мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлидаги муҳим, тарихан қонуний қадамдир ҳамда бутун жаҳон социалистик системасининг бирлигини ва қудратини ва халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг мактубида, сўнгра бундай дейилади: СССРда коммунизмнинг муваффақиятли қурилиши бутун социалистик ҳамдўстликда коммунистик жамият барпо қилишнинг ва бу ҳамдўстлик қудратини мустаҳкамлашнинг таркибий қисмидир, деб ҳисоблаймиз. Социалистик мамлакатларнинг ўз экономикаларини ва маданиятларини ривожлантиришдаги муваффақиятлари капиталистик мамлакатлар меҳнаткашларининг революцион курашига, миллий озодлик ҳаракатига ва халқларнинг мустаҳкам тинчлик учун курашига ҳал қилувчи мадад бермоқда.

КПСС Марказий Комитети ўзининг мактубида болгариялик ўртоқларга ва қардошларга қизғин, самимий салом йўллади, Болгарияда социализм қуриш ишида янги катта муваффақиятлар, қардош болгар халқига бахт-саодат ва равнақ тилади. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

16—18 мартда КПСС Марказий Комитетида иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг маъмурий органлари бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлди. Бу кенгашда иттифоқчи республикалар жамоат тартибини сақлаш министрлари, прокурорлари ва олий судларининг раислари ҳам қатнашдилар.

Кенгашда СССР бош прокурори ўртоқ Р. А. Руденконинг мамлакатда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди. СССР Олий суди раиси ўртоқ А. Ф. Горкин кенгашда суд органларининг фаолияти тўғрисида гапирди. Кенгаш қатнашчилари жамоат тартибини сақлаш, прокуратура ва суд органларининг ҳуқуқ бузишликларга қарши кураш соҳасидаги фаолиятини координациялаш, ҳуқуқий тартибни сақлаш, балоғатга етмаган болалар ўртасида ҳуқуқ бузишликларга барҳам бериш, ҳукм қилинган ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида бўлган кишиларни тарбиялашни яхшилаш соҳасида партия комитетларининг иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети, СССР ва РСФСР Министрлар Советлари, СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумлари, Партия-давлат контроли комитети, СССР прокуратураси ва Олий суди, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, матбуот ва юридик илмий тадқиқот муассасаларининг ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МАРШАЛ АБДУЛЛА АССАЛОЛ ТОШКЕНТДА

Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалолнинг Тошкент аэропортида кутиб олиниши.
И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон билан Арабистон ярим ороли ўртасида кўп минг километрлик масофа бор. Лекин шунга қарамай, мағрур ва эрксевар Яман халқининг социал тараққиёт, миллий мустақиллик ва тинчлик йўлидаги интилишлари барча совет кишилари каби республикамизнинг меҳнаткашларига ҳам яқин ва тушунарлидир. Тошкент аҳолиси яманлик дўстларимизга чин ҳайрихоҳлик туйғуларини 18 мартда—СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий давлат визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Яман Араб Республикаси президенти, Яман Араб Республикаси Сиёсий бюросининг раиси, миллий хавфсизлик кенгашининг раиси, армия бош қўмондони маршал Абдулла Ассалолни кутиб олиш вақтида айниқса зўр куч билан ифода этди.

Шаҳар меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари тушган кейин Яман Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортига тўпландилар.

Дўст давлат бошлиғини ва унинг ҳамроҳларини кутиб олиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Олий Советининг Раиси О. С. Содиқов, СССР Олий Советининг депутати Қ. Муртазоев, Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи генерал-лейтенант П. И. Зализюк, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов, республика министрлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар аэродромга келдилар. Ўзбекистонда таълим олаётган яманлик ёшлардан бир группаси ҳам аэродромда бор эди.

Яман Араб Республикасининг вакиллари тушган самолёт майдонга қўниб, аэровокзал олдига яқинлашди. Яман Араб Республикаси президенти Абдулла Ассалол, Яман Араб Республикаси Сиёсий бюросининг аъзоси, маслаҳат кенгашининг раиси Абдураҳмон Яҳё Аларяний, Яман Араб Республикаси Сиёсий бюросининг аъзоси Абдул Қовий Ҳамим, Яман Араб Республикаси ташқи ишлар министри Ҳасан Макки, президентлик ишлари министри Муҳаммад Алқайд Сайф, Яман Араб Республикасининг бошқа давлат арбоблари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, қабилаларнинг шайхлари, Яман матбуотининг вакиллари ва бошқа меҳмонлар самолётдан чиқиб келадилар. Яман Араб Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Солиҳ Али Алшувал Абдулла Ассалол билан бирга келди.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Ямандаги элчиси Н. П. Сулицкий, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Корнев ва Яман Араб Республикаси президентининг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа совет расмий кишилари ҳам шу самолётда Тошкентга келдилар.

Фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради. Шундан кейин Яман Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди. Абдулла Ассалол Е. С. Насриддинова ва Р. Қурбонов билан бирга-ликда совет жангчилари сафи олдидан ўтади, улар билан саломлашиб кўришади ва сўнгра аэропорт биносига қараб йўл олади.

Е. С. Насриддинова микрофон олдига келиб, бундай дейди:

— Ҳурматли президент жаноблари!

Азиз яманлик меҳмонлар!

Дўстлар!

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига келган кунингизда сизларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табриклаш билан хурсандман.

Ҳурматли президент, дейди Е. С. Насриддинова, биз асорат кишанларини парчалаб ташлаган ва ўзининг сиёсий ҳамда иқтисодий мустақиллигини қаҳрамонларча мустаҳкамлаётган эрксевар ва мард Яман халқини Сиз орқали чин кўнгилдан табриклаймиз.

Визнинг халқимиз дўст Яман халқига чин ҳайрихоҳлик туйғуларидан ва меҳмондўст элимизнинг дарвозалари дўстларимиз учун кенг очиқдир. Президент жаноблари, Сизнинг ва ҳамроҳларингиз бўлган министрлар, қабила шайхларининг юртимизда бўлган вақтингизда республикамизнинг ҳаёти билан ва кўп миллатли улуғ Совет давлати халқлари қардошлик оиласида эришган муваффақиятларимиз билан мумкин қадар тўлароқ ва яхшироқ танишиб чиқишингиз учун бутун чорани кўришга ҳаракат қиламиз.

Биз зўр ишонч билдириб айтамизки, Сизнинг Совет Иттифоқига қилган сафарингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенг ривожлантиришга, традиция бўлиб қолган Совет — Яман дўстлигини тобора кўпроқ мустаҳкамлаш ишига, бутун дунёда тинчлик ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Сизларни зўр хурсандчилик билан кутиб олар экамиз, чин қалбимиздан шу гапларни айтамиз: Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Абдулла Ассалол нутқ сўзлайди. У ўз нутқида қуйидагиларни айтади:

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумининг Раиси жаноблари!

Министрлар Совети Раиси жаноблари!

Жаноблар, ҳукумат аъзолари!

Азиз дўстларим!

Меҳмондўст элингизда бизни дўстона кутиб олганлигингиз учун сизларга ўз ташаккуримни ва Яман Араб Республикаси делегацияси аъзоларининг ташаккурини изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси жаноблари шахсан мени ва делегациянинг ҳамма аъзоларини самимий табриклаб гапирди. Мен унинг ана шу самимий табрик сўзлари учун зўр хурсандчилик билан ташаккур билдираман.

Бизнинг қалбимиз доим сизлар билан бирга бўлгани учун сизнинг юртингизга келдик. Яман Араб Республикаси халқи билан Совет Иттифоқи республикалари ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам дўстлик муносабатларидир. Бу муносабатлар тобора кенгаяди ва мустаҳкамланиб боради.

Бизнинг визитимиз мамлакатларимизни бир-бири билан боғловчи яхши муносабатларнинг янги саҳифасидир. Бизнинг шу сафаримиз туфайли сиз билан бизнинг ўртамиздаги дўстлик учун янги истиқболлар очилади, деб умид қиламиз.

Қадим замонлардан буён илдиз отган мустаҳкам алоқалар бизни Ўзбекистоннинг олижаноб халқи билан боғлайди. Биз сизнинг юртингизга келиб, сизлар билан учрашиш имкониятига мушарраф бўлдик.

Улуғ Совет Иттифоқи бизнинг қалбимиздан мустаҳкам ва муносиб ўрин олди. Биз бугун сизларнинг орангизда бўлишимиз билан ўзимизни бениҳоя бахтиёр деб ҳис этмоқдамиз.

Мен сизларни табриклайман. Сизларга миннатдорчилик изҳор қиламан ва сидқидил билан сизларнинг қўлингизни қисиб кўришаман.

Яшасин Совет — Яман дўстлиги!

Абдулла Ассалол ўз нутқини тамомлагандан кейин, шаҳар меҳнаткашларининг аэровокзал биноси олдида тўпланган вакилларига қўл силкиб уларни қутлайди. Бунга жавобан, гулдурос қарсаклар бошланади.

Абдулла Ассалол аэродромдан ўзи учун ажратилган резиденцияга қараб йўл олади. Тошкент шаҳрининг неча минглаб меҳнаткашлари бутун йўл бўйи ҳурматли меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини қизғин табрикладилар.

Кечқурун Яман Араб Республикасининг бошлиғи Абдулла Ассалол ва унинг ҳамроҳлари Навоий номли ўзбек академик опера ва балет театрида «Гулсара» спектаклини томоша қилдилар.

* * *

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Яман Араб Республикасининг президенти маршал Абдулла Ассалол 19 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ҳузурида бўлди.

Е. С. Насриддинова, Р. Қурбонов билан Абдулла Ассалол ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш асосида Ўзбекистон меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда қўлга киритган катта-катта ютуқлар, халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг улуғвор планлари Яман Араб Республикасининг президентига гапириб берилди.

Яман Араб Республикасининг бошлиғи ўзи ва ўз йўлдошлари Ўзбекистонда очиқ чеҳра билан кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик билдириб, бундай деди:

— Сизлар буюк сакраш қилгансиз. Бунда доно раҳбарликнинг ва ҳар бир кишига яшаш ҳуқуқини гарантиялаб бераётган социалистик принципларнинг хизмати жуда катта. Мамлакатимиз аграр мамлакат бўлганлиги важидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқларингиз биз учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг тажрибаси, деди ҳурматли меҳмон, ёш Яман Республикасининг халқи учун фойдалидир. Биз, деди сўнгра Абдулла Ассалол, планларимизни амалга оширишда Совет Иттифоқи бизга ёрдам кўрсатади, деб жуда катта умидлар боғламоқдамиз. Яман халқига кўрсатган ёрдамлари учун ва келажакда ўзимиз умид қилаётган ёрдам учун Совет Иттифоқи халқларига ва унинг раҳбарларига миннатдорчилик изҳор қилиш мақсадида сизларнинг ҳузурингизга келдик. Бу сафаримиздан жуда катта фойда кўрдик. Биз халқингиз билан мустаҳкам алоқалар боғладик ва уни чин кўнгилдан севиб қолдик. Кўрган нарсаларимизнинг ҳаммаси кутганимиздан зиёда бўлиб чиқди.

Тошкент тўқимачилик комбинати билан танишиш яманлик меҳмонлар учун Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган жуда катта ютуқларнинг яққол далили бўлди.

Тошкент тўқимачилари Яман халқининг вакилларини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Комбинат раҳбарлари Абдулла Ассалол билан унинг йўлдошларини корхонадаги турли соҳаларни кўздан кечиришга таклиф қилишди. Улар меҳмонларни цехларга олиб киришди, меҳмонлар бу цехларда автоматик ускуналарни, юксак даражадаги ишлаб чиқариш маданиятини кўришди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлди.

Корхона директори З. Абдуллаев Абдулла Ассалолнинг Ўзбекистон пахтасидан тўқилаётган газламаларнинг кўламига, тўқимачиларнинг иш ва турмуш шароитларига тааллуқли саволларига бажонидил жавоб берди.

Читга гул босиш фабрикасида тайёр газламалар яманлик меҳмонларнинг эътиборини ўзига тортди. Улар комбинат маҳсулотининг бир қисми чет элларга чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарни мароқ билан тинглашди.

Тўқимачилар дўстлик рамзи сифатида Абдулла Ассалол билан унинг йўлдошларига эсдалик совғалари топширишди.

Шундан сўнг Абдулла Ассалол билан унинг ҳамроҳлари Тошкентни сайр қилиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

Пойтахтнинг янги уй-жой массиви—Чилонзор меҳмонларда айниқса қизиқиш туғдирди.

Абдулла Ассалол билан яманлик бошқа меҳмонлар тушдан кейин Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратига боришди.

Ўша куни Яман Араб Республикасининг бошлиғи Абдулла Ассалол Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига борди.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобилов колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этиш билан, пахтачиликни ва жамоат хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда қишлоқ меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари билан меҳмонларни таништирди. Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов қатнашди.

Яман Араб Республикасининг президенти чорвачилик фермасини кўздан кечирди, сигирларнинг электр ёрдами билан согилишини томоша қилди. Колхозчилар дўст мамлакатнинг бошлиғини ва унинг йўлдошларини самимий табрикладилар. (ЎзТАГ).

„КОСМОС-26“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1964 йил 18 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-26» учирилди.

Йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазонинг тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— бошланғич айланиш даври 91 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) — 403 километр;

— минимал узоқлашуви (перигейида)—271 километр;

— орбитанинг экватор текислигига оғиш бурчаги — 49 градус.

Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар, орбита элементларини аниқ ўлчовчи радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг ишн тўғрисидаги маълумотларни Ерга хабар қилиб турувчи радиотелеметрик система нормал ишлаб турибди. Координациялаштирувчи ҳисоблаш маркази олинган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

РАДИОАКТИВЛИК БИР НЕЧА ЮЗ МАРТА КАМАЙДИ

СССР Медицина фанлари академияси эълон қилган ахборотда бундай дейилади: Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида Москва шартномаси тузилганлиги радиоактив моддаларнинг ташқи муҳитда бундан буён пайдо бўлишига чек қўйди ва умумий радиация вазиятининг тез яхшиланиши учун шарт-шароит вужудга келтирди.

Ҳозирги вақтда ёғиндиларнинг умумий радиоактивлиги синовлар ўтказилаётган даврдагига нисбатан бир неча юз баравар камайди ва ўрта ҳисобда бир квадрат километрга кунига бир милликюрини ташкил қилмоқда.

Бир қанча йиллардан бери, дейилади ахборотда, Совет Иттифоқида радиация вазиятининг умумий ҳолати мунтазам равишда кузатиб борилмоқда ва ядро қуроли синовлари натижасида ҳосил бўлган радиоактив моддаларнинг инсон организмига ўтказаётган таъсири ўрганилмоқда. Совет соғлиқни сақлаш органлари озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида, ичиладиган сувда, атмосферадаги ҳавода ва инсон организмида қанча радиоактив моддалар борлигини, шунингдек ер юзасига радиоактив қолдиқлар тушишини контроль қилиб турибди. Бу контроль бутун мамлакат территориясида ўтказилмоқда, бунинг учун радиохимия, радиометрия ва ядро нурларини ўлчайдиган спектрометрия соҳасидаги энг янги муваффақиятлардан фойдаланилмоқда.

Ядро қуроли синовлари ва уни такомиллаштириш соҳасида 1945 йилда Америка Қўшма Штатлари бошлаб юборган пойга натижасида ўн беш йилдан кўпроқ вақт ичида инсон атрофидаги муҳитга ва айниқса атмосферага тобора кўп миқдорда радиоактив моддалар чиқарилиб турди. Атмосферада, сув остида ва космик фазода ядро қуроли синовлари илгариги йилларда бўлгани каби жадаллик билан ривожлантирила берса, бу нарса биосферанинг радиоактив моддалар билан ифлосланишини жуда кўпайтириб юборган бўлур эди, одамларнинг, айниқса болаларнинг организмига радиоактив моддаларнинг тўпланиши йўл қўйилиши мумкин бўлган, яъни саломатлик учун хатарсиз бўлган даражадан ошиб кетган бўлур эди. Ядро синовлари давом этаберса, бундан буёнги авлодларда ирсий касалликлар ва туғма майибликларнинг пайдо бўлиш тезлиги кўпайиб кетган бўлур эди.

СССР Медицина фанлари академиясининг ахборотида айтиладики, академия қўлида бўлган материаллар шуни қатъий айтишга имкон берадики, бундан буён ҳам ҳеч бир давлат Москва шартномаси тақиқлаган ядро синовларини ўтказмаса, яқин келгусида инсон организмига радиоактив моддалар кириб қолиши кескин равишда қисқаради ва ёмон радиация таъсири хавфи йўқолади.

Ахборотга таниқли совет олимлари Н. Н. Блохин, С. Р. Мардашев, В. В. Парин, О. В. Кербиков, В. В. Закусов, В. Х. Василенко, В. А. Рязанов, С. А. Саркисов, Е. В. Шмидт қўл қўйдилар.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН
ҚУНЛАРИ
ОЛДИДАН

ТАРИХНИНГ КЎЗИ

КРИШАН ЧАНДР
прогрессив ҳинд ёзувчиси

□ □

Ленинни кўришга мушарраф бўлмаган эдим. Мен унинг нутқини ҳам ҳеч қачон эшитмагандим. Ленининг номи момагулдиракдай гулдираб, яшиндай чақнаган пайтда мен ва тенгқурларим ҳали дунёга келмагандик. Мен ва тенгқурларим туғилиб, эндигина эсимизни таниганимизда, дарахтлар бахмалдай қўмқўк барг ёзиб, ер ўз нози-неъматини тортиқ қилганида, қуёш ўз заррин нурларини, ҳаёт эса ўз тажрибасини баҳам кўрганда, кўриш, эшитиш ва тушунишга ўрганганимизда Ленин вафот этган эди.

Ленинни биринчи бор ўқиганимда менда ажиб бир ҳис пайдо бўлди. Гарчанд мен уни кўрмаган, эшитмаган, билмаган бўлсам ҳам, лекин у менга кўргандай, эшитгандай ва билгандай туюлди. Бу ҳиссиётдан ўзим ҳайратда қолдим. Дунёда порлоқ келажак йўлини ахтаришга интилувчи, ўзи яшаб турган давр, авлод, халқ учун ижод қилувчи ва уни орқасидан эргаштирувчи улуғ кишилар, йирик олимлар бўлиши менга маълум эди. Булар оқ йўл тилагав кишилар! Лекин минг йиллар давомида ўз мафкуравий қараши билан бир неча давр ва авлодни ўзига жалб қила оладиган, барча халқлар манфаати йўлида меҳнат қилувчи, улар туфайли яшайдиган ва уларнинг манфаатлари йўлидаги курашда ўз жонини аямайдиган инсон чиқиб қолиши мумкин. Шундай инсон пайдо бўлган тақдирда инсоннят улуғланади, у баланд тоғ қоялари каби дунё устидан қад кўтариб, момагулдиракдай гулдираб, яшиндай чақнаб, қуёшнинг заррин нурлари каби ситади. Тарих ларнинг олдида ўз сиру асрорини очади, табиатнинг ўзи эса улар олдида таъзим қиладн.

Ленин ана шундай инсон эди! Унинг номини кутилмаган ажойиб бир шароитда эшитиб қолдим. Бу воқеа мактабда ўқиб юрган чоғимда содир бўлганди.

Инглиз журналларининг бирида Ленин тўғрисида ёзилган мақолани ўқишга муяссар бўлиб қолгандим. Британия империализми Ҳиндистонда ҳукм сурган пайтда мактаб ўқувчиси очиқ-ойдин Ленин ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиши ғалати туюлса керак. Ленин ҳақида Уинстон Черчилнинг ёзган мақоласини нега очиқ ўқиганимизни билсам, ҳеч ажабланарли жойи йўқ экан. Мақоладаги ҳар бир жумла нечоғлик заҳар ўти билан суғорилганлиги ҳанузгача ёдимдан кўтарилмаган. Черчиль илонга ўхшаб, турли ҳийла-найрангли сўзларни ишлатиб, Ленининг фикрини бузиб, ўзгартириб, бир ғиғонни бошқа ёлғонга аралаштириб юборганди. Лекин жаноб Черчиль Ленин ғояларини қанчалик бузиш, ўзгартириш йўлида ҳаракат қилган бўлмасин, барибир Ленининг шахси, унинг сўзлари ва ишлари, ҳақиқат таълимлари қуёшнинг заррин нурлари каби олам узра таралди.

Баъзан улуғ кишилар ҳақида унинг душманлари айтадиган гапларни эшитиш зарар қилмайди. Биз, инглизлар томонидан забт этилиб, улар олдида тиз чўккан давримизда дунёда бўлаётган халқаро аҳволдан ғалати бир услуб орқали хабардор бўлардик. Бу услуб баъзан бизларни нотўғри хулосаларга олиб келарди, лекин умуман олганда, ёмон эмасди. Агар инглизлар бирор нарсани мақтагундай бўлиб қолишганида, биз бу алдаш ёки қўйилган тузоқ деб ўзимизни сезгир тутардик. Бордию улар бирон бир нарсани қоралагундек бўлишса, бу билан танишиш керак, инглизлар бекорга ҳораламаётган бўлсалар керак! — деб ўйлардик.

Ўша пайтларда мен мактабда ўқиб юрган ёш бола эдим. Лекин Черчилнинг мақоласини ўқиб, ўйланиб қолдим. «Черчиль бунчалик қўрқаётган инсон ким экан?» Кейин бир қарорга келдим: қандай бўлмасин унинг китобларини албатта ўқиб чиқишим зарур!

Бироқ, мен яшаган қишлоқдаги ҳаёт, мен таълим олган мактабдаги ўқитиш методикаси жуда ёмон аҳволда эди. Ҳаёт шундай қайғу ва жоҳиллик зимистонига тўлган эдики, ундан бирон бир ёруғлик қидириш қийин эди. Мен Ленин ҳақида ўқишни жон-дилимдан истардим. Лекин бу истакларимни анча вақтгача қалбимда сақлашга тўғри келди.

Йиллар ўтди. Ниҳоят, Ленининг асарларини ўқишга муяссар бўлдим. Албатта, мен кўпчилик олдида очиқ ўқишга мушарраф бўлмагаиман. Тенгқурларим каби мен ҳам Ленининг асарларини бегона ва ёт унсурлардан яширинча ўқиб юрдим. Эҳтимол баъзи бирларингизга ғалати туюлар. Чунки ўша пайтда сизнинг мамлакатингиздаги кишилар Ленининг асарларини очиқдан-очиқ ўқишаяпти, чунки бизнинг давримизда унинг сўзларининг ёғдуси бутун дунёга таралган. Бироқ зулм, қуллик, камбағаллик ва эзиш ҳозирги кунда ҳукм суриб келаётган ерларда халқ Ленининг асарларини яширинча, мен ва тенгқурларим каби ўқиган ҳолатда ўқишга мажбурдирлар. Эҳтимол улар ҳам бир вақтлар менинг қўлимга тушган, муқовалари йиртилиб кетган, бетлари букланган, сиёҳ ва қаламлар билан белгилар қўйилган китобларни ўқишаётгандир. Лекин бу китобларнинг ҳар биридан келиб чиқадиган ёғду янада равшан ва соф. Тарих Ленин сўзи билан ҳақиқатни чамбарчас боғлади.

Биринчи марта инсоннят тарихида дунёнинг олтидан бир қисмида инсон чиндан ҳам инсон, зулм ва асоратдан халос бўлган янги типдаги ижтимоий тузум, янги давлат барпо бўлди. Бу мамлакатдаги барча халқлар турли миллат, ирқ бўлишларидан қатъий назар, тенгҳуқуқлидирлар, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Бутун дунё бунга қойил қолса бўлади.

Бу янги давлатни барпо этишда Ленининг хизмати катта. Шу билан бирга, Ленин фанни практика билан, фалсафани ҳозирги кунинг вазифалари билан, поэзияни ҳаёт билан боғлади. Советлар мамлакатида бу узвий боғланиш сезиларли ва аниқ равшан бўлди. Ленин доимо Осиё халқларининг дўсти эди. У, бу халқларнинг ҳаёти оғирлашганда, империализмнинг кучлари Осиёни парчалаб ташлаганда, дўстлик қўлини чўзганди. Оврупо халқлари — Осиё халқларининг биродари, — деган эди Ленин.

Худди ўша пайтда империалистлар ҳукмронлик қилаётган мамлакатларнинг маданият саройлари ва боғларига кираверишда: «Ёвойи ва итларга йўл йўқ!» деган огоҳлантирувчи сўзлар ёзиб қўйилганди.

Кўпгина Оврупа «социалистлари» Осиё халқлари уёқда турсин, ҳатто Овруподанги баъзи халқларнинг озодлик ва мустақиллик ҳуқуқларини инкор этишган бир пайтда, Ленин Осиё халқларининг озодлик ва мустақиллик ҳуқуқини қаттиқ туриб талаб қилди. Осиё халқлари буни асло унутмайди! Фақат ҳақиқий дўст ҳар қандай шароитда ёрдам кўрсата олишини улар яхши тушунадилар. Бундай дўстларни сира унутмайдилар!

Совет ҳокиминятининг биринчи декрети — Тинчлик декрети Ленин қўли билан ёзилган. Бу нарса ҳанузгача тинчликсевар янги ҳукуматнинг ўзгармас ажойиб намунаси бўлиб қолмоқда. Тинчлик учун ва барча халқларнинг фаровонлиги йўлидаги курашда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланади, деб олдиндан кўра билган эди Ленин.

Ленин ўтмишни ва келажакни кўрабилган инсон эди. Унинг диққати ўтмишга ва келажакка қаратилганди.

Ленин — тарихнинг кўзи!

ВАТАНФУРУШЛАР ТАҚДИРИ

ТЕАТР

Истеъдодли адабиётшунос олим, киносценарист Сарвар Азимов жамоатчиликка драматург сифатида ҳам танилди. Унинг тўнғич пьесаси — «Қонли сароб» Ҳамза номли Академик драма театри саҳнасида қўйилиб, томошабинлар қалбига йўл топди. «Қонли сароб» спектаклида муаллифларнинг (драматург, режиссёр ва актёрларнинг) ижодий новаторликлари сезилиб турипти. Бу новаторлик, аввало, асарга жуда зарур, жуда аҳамиятли, тамомила янги тема танланганлигида кўринади, ҳаётий масалалар янгича адабий услубда ва янгича саҳнавий приёмларда санъаткорона ҳал қилинганда намоён бўляпти: дарҳақиқат, тарих ғилдирагини кетга бурмоқчи бўлиб, капиталистик дунё ногорасига ўйнаётган ватанфуруш сотқинларнинг қилмиш-қидирмиши, фожиали тақдири саҳнамизда ҳали кўрсатилмаган мавзуъдир. «Қонли сароб» спектакли шу характерли мавзуъга қўл урилган дастлабки саҳна асаридир.

Спектакль авторлари асар объекти бўлган ҳаётга давримизнинг илғор тенденциялари, партиямиз, халқимизнинг юксак талаблари нуқтаи назаридан ёндошганлар, ўша ҳаётнинг руҳини тўла-тўкис очишга хизмат қиладиган, индивидуал характерли типик образлар яратаолганлар.

Сарвар Азимов танқиднинг тасдиқловчилик характерини ижобий идеали, салбий образларнинг идрок призмаси орқали кўрсатди. Бу масалада А. П. Чехов ва М. Горький каби буюк классикларимиз драматургиясидан ўқиб-ўрганиши ва ижодий фойдаланиши унга ижодий ёрдам кўрсатди.

«Қонли сароб» драматик памфлетида ижобий қаҳрамонни кўрмаймиз, лекин унинг ҳужумкор, ғолиб, музаффар руҳини аниқ сезиб, бадиий ҳис этиб, уни кўргандай, у билан ёнма-ён туриб суҳбатлашгандай бўламиз. Чунончи, Мавлоно Фиғоний Абдулазиз (Улфат пошшонинг ўғли) ёрдами билан ўз китобини нашр эттиришга муваффақ бўлишини эсланг. Зулмат осмонида юлдуздек чарақлаб кўринган бу китоб эрталаб курашчиларнинг енгилмас кучи, қудратидан нишонадир. Ёки, бузуқ ниятли шахсларнинг қаршингизда ўқ еган қузғунидек типирлашларини, фожиали аҳволларини хотирланг. У талвасалар, типирчилашлар саҳна орқасидаги ижобий кучлар фаолиятининг саҳнадаги салбий кучлар қалбида ҳосил қилган руҳий, ҳалокатли реакцияси эмасми?

Спектаклда ижобий куч (Совет Иттифоқи халқлари ҳамда Абдулазиз тимсолидаги прогрессив кишилар) таъсири ҳар хил одамларда ҳар хил ҳолат, ҳар хил хатти-ҳаракатлар содир қилади. Масалан, Совет Иттифоқи халқларининг Улуғ Ватан урушида қозонган оламшумул-тарихий ғалабаси ва кейинги йиллардаги катта муваффақиятлари ватанфурушларнинг баъзиларида умидсизлик, мақсад йўлидан чекинишга мойиллик кайфиятини, совет позициясига ўтиш ҳоҳишини туғдиради, баъзиларида беҳуда чиранiш, қаршилик кўрсатишни кучайтиради. Капиталистик мамлакатларнинг жосуслари ватанфурушларни ўз тамонларига оғдириб олиши учун улар орасида ўзаро курашни авж олдиради. Чунки улар ёвуз ниятларига ватанфурушлар воситасида етмоқчи, оловни шулар қўли билан ёндирмоқчи бўладилар. Шу мақсад майдонидаги драматизмда улардан бири — Джемс Тейлорнинг жуда ман-ман, жуда кеккайган, жуда мағрур шахслиги, содда-муғомбирлиги, сезгир, ҳушёрлиги, оғир табиатли, совуққонлиги, принципиал ва разил консерваторлиги, қулоғи овдаги бўрилиги очилади. Иккинчиси — номаълум кишининг ўта айёр ва тадбиркорлиги, қонхўр, қотил, милитаристлиги, индамасдан, зимдан иш битиришга усталиги, ёлиблиги аён бўлади. Моҳир санъаткорлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Раҳимов Джемс Тейлор ва артист Пўлат Саидқосимов номаълум киши образларига хос сифат ва хусусиятларни саҳнада жонли, табиий гавдалантириб, уларга нисбатан томошабининг нафратини, қаҳру ғазабини туғён эттира олганлар. Бу икки манфур душман ролида ўйнаган актёрларнинг ҳар бир сўзсиз қолати, ҳар бир мимикаси, имо-ишораси, ҳар бир юриш-туришида, ҳар бир фикр-ифодасида ўзига хос бир маъно, ўзига хос урф-одат, қилиқ ва ўзига хос фикрий ҳаракат жонланади. Уларнинг бири бўри-ю, иккинчиси тулки, бири дарахтнинг шохида юрса, иккинчиси баргида юради.

Ватанфурушлар она юртидан, туғилган элидан юз ўгиришлари, беватан, бехонумонликлари оқибатида шундай ҳолга тушиб қолганларки, уларни сармоядорлар истаган мақомга йўргалата оладилар. Ҳар мақомга йўргалатишлар, ҳар кўйга, қар алфозга солишлар, макр, ҳийла-найранглар уларнинг ҳар бирига хос характерида ҳар хил из қолдиради, ҳар хил ўзгариш ясайди. Мана улардан бири — Мавлоно Фиғоний (СССР халқ артисти Олим Хўжаев). У, ўз маслакдошларидан — номардлардан мардлиги билан, уларга нисбатан бир қадар софдиллиги, саминийлиги, ҳақиқат талаблиги, журъатли, дадиллиги билан яққол ажралиб туради. Унинг мана шу хислатлари ҳамда ҳамтовоқлари, ҳомийлари кирди-корларини кўриши, кечириши, аччиқ ҳаёт мактабидан ўтиши антисовет ташкилотдан ажралиб чиқишини ва прогрессив ғоялар тарғиботчисига айланишини таъминлайди. Бу адашган кимса — бу шоир, хонанда, созандадаги алам, изтироблар, ҳасрат-надоматлар, фикрий ўзгариш, улғайиш, изланишлар, истиқбол учун интилиш, олиишш, талашишлар, Ватанни бағоят қўмсаш-соғинишлар, Ватан ҳусни-жамоли, бойлигини юракдан тавсифлашлар моҳир санъаткоримиз Олим Хўжаев ижросида ўзининг бутун мураккаблиги билан муфассал ва равшан акс этган. Лекин шу билан бирга бу образни янада мукаммаллаштириш керак. Бизнингча, драматург Фиғоний образи устидаги ижодий ишни давом эттириши, уни қиёмига етказиши зарурга ўхшайди.

Турмуш сабоқларини Фиғоний билан бирга ўрганган, у билан айни бир хил қисматга эга бўлган Юртолбек тақдирида ундагидан бошқача ҳолни кўрамиз. Бу икки гумроҳнинг кўзи мошдай очилганида бири (Фиғоний) келажагига умид боғлаб, нур сари интилади. Иккинчиси эса, ўзини ўзи отиб ўлдиради. Чунки иккинчисида (Юртолбекда) биринчисидагига ўхшаш яхши сифатлар бўлмаган. Бу, яъни, Юртолбек умр бўйи хўжалари, пирлари қўлида кўр-кўрона қирғинлик, разиллик қуроли бўлиб келган, қанчадан-қанча бегуноҳларни ҳалок қилган. Ҳаёт университети унга қарши сидаги жумбоқни ечиб берди, умри ниҳоясида у, кимлар ҳақ, кимлар ноҳақлигини англади, гуноҳкор ҳолда яшашдан ўлимни ортиқ кўрди. Авф қилинмас айбларини ўлим билан оқлади. Ундаги ўқиниш, дард чекишлар, пушаймонлар, фожиий ҳолларни республикада хизмат кўрсатган артист М. Умархўжаев усталик билан очиб бера олган. Унинг айниқса «Жумбоқ ечилди, эсиз умр», дея қилмишига юз минг пушаймонлар еб, ўзини ўзи отиши томошабинни чуқур таъсир ичига олади, уни бутун диққат-эътибори, бутун вужуди билан саҳнага тортиб олиб чуқур ҳаяжонга солади.

Икки сотқин — Мир Алихон ва Аслзода Саидхон бузуқ мақсадга эришиш йўлида ҳар қанча ярамасликлардан, ҳар қанча мунофиқликлардан, ҳар қанча разилликлардан қайтмасликлари, беномус, беорликлари жиҳатидан бир-бирларига яқин туради. Шу билан бирга, Мир Алихон мол-дунё бандаси эканлиги, бойлик орттириш учун хасисларча, товон ялар малайларча, жон-жаҳд билан тиришиши, узоқни кўра олмайдиган, калтабинлиги, худбинлик йўлида дину имони, маслагидан ҳам воз кечишга тайёрлиги, ҳаддан зиёд, мансабпараст, жаллодлиги, «... қисқаси, кўзи қон қароқчининг ўзгинаси...» эканлиги билан, Аслзода Саидхон эса, маншатпараст, маккор, тадбиркор, икки юзламалиги, товламчи, сеҳргарлиги, беқарор, бебурд, тарозининг шайнига қараб оғиши, туҳматчилиги билан ўзига хос характер касб этади. Булар бир умр тузалмас характерлар. Буларга ҳар қанча шармандаликлар ҳам кор қилмайди. Булардаги мараз ва иллатлар шунчалик чуқур илдиз отиб кетганки, илдиздан янги-янги заҳарли дарахтлар униб чиқаверади. Финалда Аслзода Саидхон жар ёқасидаги шерикларидан воз кечиб, янги мухлис, янги пушти-паноҳ истаб кетади. Мир Алихон емай-ичмай тўплаган дунёсидан айрилиб қолмаслик учун маслакдошлари фожиасини назар-писанд ҳам қилмай, ўз жонини олиб қочади. Буларнинг типирчилашлари, югуриб елишлари сиёсий ҳушёрлигимизни, сезгирлигимизни оширади. «Ҳушёр бўлинг, кураш ҳали тугамади, яна ҳам кескинлашяпти, империалистлар Мир Алихон, Саидхон — Вали Қаюм, Ҳайитларни янги-янги ивволарга, янги-янги идеологик жангларга чарҳлаяпти», деб хитоб қилгандай бўлади бизга.

Мир Алихон ва Аслзода Саидхоннинг характери мантиқига мос қилмишлари, хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолатлари талантли артист Н. Қосимов (Мир Алихон), атоқли актёр Қ. Хўжаев (Аслзода Саидхон) ижросида қаршингизда ойнадек равшанлашади, ўзининг табиийлик, ҳаётийлик кучи билан сизни сеҳрлаб, воқеа ичига олиб кириб кетади. Бу хоинлар образининг ишратпарастлиги, ҳоҳишабозлиги, ор-номусни сотувчи маҳлуқлигини очишда, умуман капиталистик дунёга хос аҳлоқий, маиший бузуқликни, ҳоҳишабозликни фош қилишда Ақиқа образи муҳим роль ўйнаган.

Ақиқа артист Света Норбоева — гулдек беғубор, софдил, самимий, пок ишқ эгаси. У соддалиги, бошқаларни ҳам ўзидек тўғрисўз, ўзидай меҳрли, мурувватли деб ўйлаб лақиллаши, бобосининг бўйнига тўрва осишини истамаслиги оқибатида унинг севги гулшани, иффати, номуси саидхонлар, улфат пошшолар, мир алихонлар макри-ҳийласи билан топталиб, алданиб, фоҳиша ҳолига тушиб қолиши, шу ҳолда чеккан зўр қайғу аламлари, оғир психологик кайфиятлари, номуссотарларни юракдан қарғаб, лаънатлашлари бизни чуқур таъсир ичига олади, ҳиссаяжонимизни бениҳоя оширади. Уни бузуқ муҳитдан тортиб олишга, дардига малҳам бўлишга ошиқамиз. Уни шу кўйга солган маҳлуқларга ғазабимиз бениҳоя ошиб-тошиб кетади.

Шайх Абдул Фотиҳ (Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Табибуллаев) ва Биби Давлат (Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Султонова)да набиралари — Ақиқанинг номуси ўғирланиши муносабати билан юз берган оғир руҳий ҳолатлар артистлар қалби кўзгусида ёрқин намоён бўлиб, ўзининг эмоционал таъсир кучи билан сизни беихтиёр асир қилади. Бироқ, бу персонажларнинг саҳнада тўла қонли бўлиб чиқиши учун драматик материал етишмай қолган. Бу бобо ва бувининг набиралари фоҳиша бўлиб қолишига қандай қилиб йўл қўйганлиги етарли даражада асослانмаган. Бу масала ҳамда драматик сюжетнинг қизиқарлилигини янада ошириш, унинг характер тарихини, қирраларини очишдаги ролини, айниқса драматизмни тағин ҳам кучайтириш масаласи ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди.

Улфат пошшо пулдорларнинг оёғига бош қўйиб, товонини ялаб, улардан юз айланиб, минг ўргилиб кун кўради, сохта мулозиматлар, тилёғламаликлар, ҳийла-найранглар ишлатиб, қўшмачилик қилиб — номус сотиб тирикчилик қилади. У бундан ортиқ пасткашликларга ҳам тайёр, унга пул бўлса бас. Унинг бузуқ муҳитда шакланган носоғ характери, касбикори шуни тақозо этади. Омонёр — хўжайини иллатини кўравериб, ундан ихлоси ачиган гўжадек қайтган хизматкор. Лекин турмуш қийинчиликлари уни бошлиқларга кўр-кўрона бўйин эгишга мажбур қилади. Аммо, у кези келганда ўзининг кулгили шикоятлари, ҳазил — таги зил сўзлари, қочирим, киноялари, қизиқчиликлари билан хўжаларини чимчилаб узиб олишдан, боплаб савалашдан тоймайди. Саидхон, Алихонларнинг ёвуз қилмишдари, шармандалик, шармисорликлари бечораларга ҳамдард, ҳамнафас Омонёрнинг прогрессив кучлар томонига узил-кесил ўтиб олишини таъминлайди. Омонёр нутқи ўз табиати, сифат ва хусусиятларига жуда мос. Шунинг учун ҳам унинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари қон-қонимизга чуқур сингиб кетади, қизиқишимизни оширади. Бунда авторнинг жонли халқ тилидан унумли фойдаланганлиги яхши сезилиб туради. Биз асардаги бошқа персонажлар нутқининг ҳам ана шундай хислатлари оширишини истардик. Улфат ва Омонёр ролларида республика халқ артистлари Шариф Қаюмов ва Ғани Аъзамов ўйнайди, лекин саҳнада актёрларни кўрмаймиз, балким, Улфат билан Омонёрнинг худди ўзгинасини кўрамиз.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Яйра Абдуллаева реакцион маслагига содиқ, худбинлик йўлида эрини фош этиш, қурбон қилишдан ҳам тоймайдиган, маиший бузуқ, беюз, беҳаё аёл, шароитга дарҳол мослаша оладиган, уста, чаққон, ҳийлагар, ҳозир жавоб жосус — Элейн Бендшаль образининг руҳига тамомила кириб, ўйнаб, ҳар галгидек бу сафар ҳам юксак санъаткорлик маҳоратини намойиш этяпти.

«Қонли сароб» спектакли (режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. О. Гинзбург ва Қ. Ҳўжаев)нинг новаторлик характери унга кино санъати техникаси усталик билан омухта қилинганлигида — саҳна, эпизодларнинг парда ёпилмай тез-тез айланиб, ўзгариб, алмашиниб туришида, характерларни очишда нур, радио, магнитофон ленталаридан янгича, самарали фойдаланилганликда ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди. Айниқса қоронғу саҳнада ўзича сўзлаб, ўтмиши ва ҳозирини изоҳлаётган ҳар бир шахснинг юзигагина ёруглик тушиб туриши, Муяссар нутқининг магнитофон лентасидан жонли эшитилиши, Ақиқанинг Муяссар билан ғойибона суҳбатлашиши, ғойибдан келган садони тинглаши жуда ҳам эффектли чиққан, янгича саҳнавий приёмлардир. Муяссар нутқини ҳамма жим туриб тинглаяпти. Лекин бу жимлик осойишталик, хотиржамлик белгиси эмас, шу пайтда ҳар бир образ онгида бир дунё ҳаракат, руҳий кураш — коллизия ҳукм суряпти. Бу ҳолни актёрларнинг мимикасидан, изтиробли, ҳаяжонли кайфиятидан яққол сезамиз, равшан ҳис қиламиз.

Совет Иттифоқининг Муяссар нутқида акс этган бебаҳо фазилатлари, буюк ғалабалари ватанфурушлар онгидаги ички курашни кульминацияга олиб чиқади. Коллизия (ички кураш)нинг илғор кучлар, юксак гуманистик, ватанпарварлик ғоялар фойдасига ечилиши учун қудратли туртки бўлади.

«Қонли сароб» спектакли актуал, ҳаяжонли, саҳна асаридир. Уни кўраётганингизда саҳна ҳаёти билан яшайсиз, характерлар оламига кириб кетганингизни сезмай қоласиз, қалбингиз ватан хоинларига нисбатан чексиз қаҳр-газаб билан, она-Ватанга битмас-туганмас меҳр-муҳаббат билан тўлиб тошади. Спектаклнинг тарбиявий кучи ҳам ана шунда.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети химия факультети олимлари муҳим тадқиқотлар устида илмий ишлар олиб боришяпти. Аспирант Н. Қурбонова ҳам бу ишда актив иштирок этмоқда. Суратда: Ўртоқ Н. Қурбонова лабораторияда.

А. Абалян фотоси.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

— Қўли гул йигитлар экан, кўчаларимизни обод, уйларимизни чароғон қилиб беришда.

Ремонтчи Тўйчи ака ва унинг ҳамкасб дўстлари шаънига айтилган бундай самимий илиқ сўзларни Аэроплан кўчасидаги 38-уйда истиқомат қилувчи Шилова ва Фроловскалардангина эмас, балки район территориясида яшовчи жуда кўп кишилардан ҳам эшитиш мумкин. Бу бежиз эмас. Чунки меҳнат қучоғида тобланган Тўйчи Имомов — ўз ишининг моҳир устаси. У бошчилик қилаётган ремонтчилар бригадаси ишда, ўқишда, юриш-туришда бошқаларга ўрнак.

Бригада аъзолари техника янгиликлари ва илғор усулларни дадиллик билан жорий қилишаяпти. Бу эса иш унумини ошириш ва ремонт ишларининг сифатли бўлишини таъминламоқда. Ремонтчилар кўплаб уй-жойлар ва жамоат биноларини пухта ремонт қилиб, шаҳримизни ободонлаштиришдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Октябрь район ремонт-қурилиш бошқармасида бундай пешқадам коллективларни кўплаб учратиш мумкин. Бошқармадаги Исроил Исмоилов, Анестис Сахинидис каби ўртоқлар бошлиқ ремонт бригадаларининг ҳам фаолияти фикримизга далил. Бу ҳар иккала бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилган.

Бошқарма коллективи ремонт ишларини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Ўз касбини жон-дилдан севган Тўрабой Дўсмуҳамедов, Умаржон Охунбобоев, Николай Мельников ва Ким Мундагалиев сингари серғайрат ремонтчи йигитлар билан бошқарма коллективи ҳақли равишда фахрланса арзийди. Улар кунлик топшириқни ошириб бажариш билан бирга бинолар ремонтининг аъло ва яхши даражада бўлишини таъминламоқдалар.

Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишлаётгани туфайли ўтган ойларда бошқарма бўйича белгиланган план анча ошириб бажарилди. Ремонт ишларининг салмоғи ортди. Бошқарма ремонтчилари эндиликда қўшни Чилонзор районига қараётли болалар яслиси, боғча, мактаб ва бошқа маданий-маиший бинолар, шунингдек, уй-жойларни ремонт қилишда ҳам актив қатнашишяпти.

Ремонтчилар етти йилликнинг бешинчи йилида 137 га яқин уйжой ва 53 мактаб биносини ремонтдан чиқариб, зиммага олган мажбуриятни шараф билан бажардан эдилар. Илғор коллектив бу йил юксак маррадан сари астойдил ҳаракат қилиб, йил охиригача бир миллион 700 минг сўмлик ремонт ва қурилиш ишларини бажариш учун курашмоқда. Меҳнатсеварлар баҳор ва шодлик байрами 1-Майни меҳнатда яхши натижалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Байрам кунигача район территориясидаги 9-поликлиника, Шофайзи қулоқ массивидаги 81-мактаб ва 6-поликлиника ҳамда 259-болалар комбинати ва 200 ўринли 8-туғруқхона бинолари яхшилаб ремонт қилиниб фойдаланишга топширилади.

Бошқарма ремонтчилари ишини кўздан кечирар экансиз, уларга чин кўнгилдан ҳимматингизга балли, қўли гул ремонтчилар, дейсиз.

А. НУРМУҲАМЕДОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
Натижаларни маълум қилади

„РУСТАМ ЗЎРАВОН СИЗМИСИЗ?"

Газетхонларимиз юқоридаги сарлавҳага кўз ташлашлари ҳамоно Рустам Султонбековнинг қилмишларини хотирласлар керак. Бу материал газетамизнинг ўтган йил 21 декабрь сонида босилган эди. Бугун биз шу материал юзасидан муҳокама ўтказган маҳалла ва ташкилотлардан келган жавоблар билан газетхонларимизни таништирмоқчимиз.

«Рустамнинг рафиқаси Инобатхон Юсупова 3-тиқувчилик фабрикасининг 7-цехида ишлайди, — дейилади шу фабриканинг 7-цехи бошлиғи Ш. Содиқов ва фабрика касаба союз комитети раисининг ўринбосари Шергородский ўртоқлар имзо чеккан мактубда, — у, фабрикамизнинг меҳнатсеварларидан бири. Шунинг учун ҳам биз Султонбеков ҳақидаги материални газетада ўқиш биланоқ Инобатхон ишлаётган 7-цехда муҳокама қилдик. Коллективимиз илғор ишчи Инобатхонинг яхши фазилатлари, одоби ҳақида гапириб, эрининг унга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишини қаттиқ қоралади. Султонбеков комсомол аъзоси бўлатуриб, илғор ва жамоатчи аёлни — хотинини оиланинг чўрисига айлантирмоқчи бўлган. Бу комсомол аъзоси учун уят. Бизнингча Рустам жамоатчиликдан узур сўраши керак».

Фельетон Рустам Султонбеков ишлаб турган область поликлиникаси касаба союз аъзолари йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Йиғилишда Султонбековнинг ҳамкасблари сўзга чиқиб, унинг ўтакетган қўполлигини, оила қадр-қимматига етмаганини қоралашди, уни совет кишиларидаги яхши фазилатлардан намуна олишга чақиришди.

Йиғилиш Султонбековга қаттиқ виговор эълон қилган. Ниҳоят, икки ой ичида муомалада, юриш-туришда оиласига бўлган муносабатда ўзгариш ясамаса ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Редакцияга келган хатнинг учинчисига Султонбеков яшаб турган 5-«Мерганча» маҳалла комитетининг раиси А. Иноятов билан комитет секретари С. Зиёвуддинова ўртоқлар қўл қўйишган.

«Рустам зўравон сизмисиз?» фельетони маҳалламиз активлари, кексалари ўртасида кенг муҳокама қилинди — дейилади хатда, Маҳалла активлари ва отахонлардан Умархўжаев, Солиҳов, Мусаев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, Султонбековнинг ўз оиласига бўлган ёмон муносабатларини ва хулқини қаттиқ танқид қилишди.

Султонбеков маҳалла аҳли олдида ўз айбларига иқрор бўлди ва келгусида бундай номақулчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида сўз бериб, жамоатчиликдан кечирим сўради.

„БИР ҚОЛИПДА"

Юқоридаги сарлавҳа билан газетамизнинг шу йил 7 февраль сонида матбуот обзори босилиб, унда Бўка ва Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаларининг газетаси «Пахтакорлар овози»нинг ишидаги йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди.

Мақола редакция ходимларининг йиғилишида муҳокама қилинган. Газета редактори ўртоқ М. Самадовнинг бизга хабар қилишича, обзорда кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилган. Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда айрим редакция ходимлари ишда бўшашувчиликка йўл қўйганлар. Материалларни бир қолипда ёзишга одатланишган. Мақола ва хабарларнинг жонли, таъсирчан ва мазмунли бўлиши учун ҳаракат қилишмаган. Оқибатда кўпгина материаллар бўш ва хомхаталалигича газетхонларга тақдим этилган. Бундай камчиликларга йўл қўйган ходимлар қаттиқ огоҳлантирилди. Газета ишини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган.

КПСС МК февраль пленуми қарорини амалга оширамиз

ЯНТАР КИСЛОТАСИ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Химиявий препарат экин ҳосилдорлигини оширади ва тезпишар қилади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бунинг катта аҳамияти ҳақида бундай деган эди: **«Совет экономикасининг ҳамма тармоқлари учун химиянинг катта аҳамияти бор. Лекин химиянинг қишлоқ хўжалигига кўрсатадиган таъсири, айниқса катта. Аслини олганда қишлоқ хўжалигини химиялаштириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги, уни интенсивлаш йўлидан ривожлантиришдаги революциядир».**

Дарҳақиқат, таркибида азот, фосфор, калий, кальций, магний ва темир бўлган одатдаги ўғитга оз миқдорда бор, мис, рух, кобальт, марганец қўшилса, ҳосилдорлик анча ортади.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг асосий озуқасига қўшиладиган ана шу оз миқдордаги химиявий элементлар микроэлементлар деб аталади. Бу элементларнинг организм ҳаёти учун аҳамияти жуда катта.

Микроэлементларни ўсимликлар учун зарур бўлган «витаминлар» деса ҳам бўлади. Чунки, агар тупроқда, сувда ва ўсимликларда шу микроэлементлар етарлик бўлмаса ўсимлик нормал ривожланмайди, юқори ҳосил бермайди ва ҳар хил касалликларга учрайди. Шуниси қизиқки, тупроқда микроэлементлар ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам ўсимлик нормал ўсмайди ва жуда оз ҳосил беради. Шунинг учун микроэлементлардан фойдаланишдан илгари уларнинг тупроқдаги миқдорини аниқлаш лозим.

Фан ютуқлари шуни кўрсатдики, ҳосилдорликни ошириш учун биоген стимуляторларидан янтар кислотаси ҳам жуда катта аҳамиятга эга экан. Биз бу мақолада шу ҳақда қисқача фикр юритамиз.

Машҳур совет олими академик В. П. Филатов кўзига оқ тушган беморни шифолаш билан бутун дунёга танилган. Бу олим кўр бўлиб қолган беморларнинг кўз қорачиғи устидаги оқ пардани кирқиб олиб, унинг ўрнига бошқа киши кўзидан олинган тиниқ пардани улаш билан касални шифолаб келган. Лекин бундай пардани ҳар доим топиш қийин, фақатгина бирор бахтсизликка учраб ўлган одамларнингина кўзидан олиш мумкин. Кунлардан бирида операция учун тайёрланган кўз пардаси ишлатилмагани учун бир ҳафтагача музда сақлашга тўғри келган. Бу орада бир беморни операция қилишга тўғри келади, шу беморнинг кўзига музда сақланган парда ишлатилади-ю, беморнинг кўзи тезда тузалиб кетади. Бу тажриба олим учун жуда катта имкониятлар очиб беради. Чунки операция учун керак бўлган кўз пардасини фақат янги ўлган одамларнингина эмас, балки ҳайвонларнинг кўзидан ҳам олиб, уни ноль даражадаги ҳароратда сақлаб, сўнгра ишлатилса жуда яхши натижа беришлиги аниқланади. Бундан Филатов шу фикрга келадики, «агар тирик организм ёки ундан олинган тўқималар ҳаёт учун ноқулай шароитда (совуқликда) сақланса, организм ўзини ўлимдан сақлаш учун алоҳида моддалар ишлаб чиқарар экан.» — Ана шу моддаларга «ҳимоя факторлари» деб ном берилади.

Академик Филатов топган тўқималар терапияси ҳозир жуда кенг қўлланилмоқда. Мана шу «ҳимоя фактори» нимадан иборат эканлигини аниқлашда биохиматлар катта хизмат қилдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор А. В. Блоговешченский ва унинг шогирдларининг ташаббуси билан жуда кўп тажрибалар ўтказилди. Шунда организмнинг стимуллаш учун ёрдам берувчи моддалари икки карбонлик кислоталарга киришлиги аниқланди.

Бу моддалар тирик организмлар ноқулай шароитга тушганда ҳосил бўлгани учун ва шу моддалар билан ўсимликларга таъсир қилинганда уларнинг тез ўсишига ёрдам берганлиги учун «биоген стимуляторлар» деб аталди.

Чуқур текширишлар шуни кўрсатдики, «биоген стимуляторлар» организмдаги биохимик процессларни тезлаштирувчи ферментларнинг активлигини оширишга ёрдам беради. Бу кислотани ўсимликлардан, янтар чиқиндисидан ва лабораторияда сунъий равишда дибром этандан олиш мумкин.

Янтар кислотасининг кучсиз эритмаси билан ҳар хил ўсимликларнинг уруғлари намланса, уруғ тез униб чиқади. Янтар кислотасининг эритмаси билан нўхат, буғдой, ловия каби ўсимликларнинг уруғи экиш олдидан ишланса ўсимликлар тез тараққий қилади, ҳосили ҳам кўпроқ бўлади.

Бундан ташқари донинг сифати, яъни ундаги оқсил миқдори ҳам ошади. Бу соҳада профессор А. В. Блоговешченскийнинг шогирдлари жуда кўп илмий ишлар олиб бормоқдалар. Устозимиз профессор А. В. Блоговешченский билан ҳамкорликда Янгийўлдаги Свердлов номли колхозда 1962 йили 3,5 гектар ерга чигитни экишдан олдин янтар кислотаси билан намлаб экдик. Контроль учун чигитни фақат арик сувида намладик. Кислота билан намланган чигит контролга нисбатан 3 кун илгари жуда текис бўлиб униб чиқди. Бундан ташқари ғўза нормал ривожланиб, шоналаши, гуллаши ва очилиши тезлашди. Тажриба участкасининг ҳар гектаридан 35,3 центнердан ҳосил олдик. Бу эса контролга нисбатан 2,7 центнер ошиқдир.

Бу тажриба бизни жуда қувонтирди. Ҳар хил шароитда ва ҳар хил тупроқда янтар кислотасининг ғўзага таъсирини ўрганиш учун 1963 йилда тажрибани жуда кенгайтирдик. Фарғона областида 4790 гектар, Андижон областида 3490 гектар, Тошкент областида эса 7300 гектар ерга чигит янтар кислотаси эритмасида намлаб экилди.

1963 йилда Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасида Фарғона ва Андижон областларида 40 дан ошиқ колхоз ва совхозларда олиб борган тажрибаларимиз яхши натижалар берди. Айниқса Қўқон группа районларидаги шўр тупроқли ерларда янтар кислотаси ўз кучини яхши кўрсатди. Маълумки шўр тупроқдан чигитни ундириб олиш учун уни 2-3 мартадан қайтариб экадилар. Янтар кислотаси билан намланган чигит биринчи экишдаёқ текис униб чиқди. Жумладан, Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли совхозда 1600 гектар ерга чигитни экиш олдидан янтар кислотаси эритмасида ивитиб экилди. Совхоз тупроғининг шўрлигига қарамасдан ҳосилдорлик ошди. Масалан, 2-бўлимда 218 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олинди. 4-бўлимда эса 500 гектар ерга апрель ойининг охирида чигит экилган.

Чигит кеч экилишига қарамай бу бўлимда ҳар гектар ердан 26,4 центнердан ҳосил олинди.

Бизнинг тажрибамиз совхоз ишчиларига жуда катта янгиликлар туғдирди. Шучинг учун совхоз коллективи 1964 йилда 5000 гектар майдоннинг барисида экиладиган чигит ва бошқа экинлар уруғини экиш олдидан янтар кислотаси билан ишлаб экишга қарор қилдилар.

Шу бошқармадаги Ленин номли колхозда ҳам 244 гектар ерга чигитни янтар кислотасида ишлаб экилди. Машҳур механизатор Меликўзи Умрзоқов бошлиқ бригаданинг бутун ерларида биз тажриба ўтказиб янтар кислотасидан тўлиқ фойдаландик Натижада ҳар гектар ердан 49 центнердан ҳосил олинди, айрим участкаларда 51 центнердан ҳосил олинди, бу эса мўлжалдагига нисбатан 4-5 центнер юқори ҳосил демакдир.

Калинин номли ва Жданов номли совхозларнинг ҳам тупроқлари шўр ва жуда кам ҳосил, шу совхозларда ҳам ўтказилган тажрибалар натижасида ғўзанинг ҳосили 2-4 центнердан ошди.

Фарғонадаги «Ёш ленинчи», «Ленинград», «Шарқ юлдузи» колхозларида ҳам янтар кислотасининг ёрдами билан ҳосилдорлик 2,5-3,5 центнерданга ошди.

Шуниси аҳамиятлики, бутун тажриба қилинган хўжаликлар пахта топшириш планларини 15—20 октябргача бажариб қўйдилар. Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг 6-бригада аъзолари эса 26 сентябрдаёқ планни бажардилар.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхозда ҳам янтар кислотаси ҳисобига бир гектар ердан олинган ҳосил 3,5 центнерданга ошди. Шунинг учун ҳам тажриба ўтказган ҳамма хўжаликлар 1964 йилда янтар кислотасини кенг равишда ишлатишга қарор қилдилар.

Ўтган йилнинг охирида Фарғона ва Андижонда колхоз ва совхоз агрономлари билан кенгаш ўтказдик. Биз бу кенгашда 1963 йилда олиб борилган тажрибалар тўғрисида ҳисоб бердик, кенгашда биз билан бирга тажриба олиб борган агрономлар ҳам ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

Кенгашда иштирок қилган мутахассислар бу йил янтар кислотасини Фарғона ва Андижон областларида кенг қўлланишга қарор қилдилар. Шуниси қизиқки, 1963 йили юқорида айтган областларда шу хилдаги кенгашлар ўтказгандик, янтар кислотаси ҳақида лекциялар ўқигандик. Лекин кўпчилик агрономлар бунга унча ишонишмаган эдилар. Лекин тажрибанинг натижаси колхозчилардаги шубҳани йўқотиб, уларда ишонч туғдирди. Ҳақиқатан ҳам янтар кислотасининг мўъжизакор хусусиятига бирданига ишониш қийинроқ, чунки 100 килограмм уруғни ишлашга 0,8 грамм янтар кислотаси етади, кислотани ишлатиш усули қуйидагича: «Галласимон ўсимликларнинг уруғини экишдан олдин янтар кислотаси билан ишлаш учун ҳар бир литр сувга 23 миллиграммлик эритма тайёрлаш лозим. Бунинг учун 0,8 грамм янтар кислотасини 35 литр сувда эритилса 100 килограмм уруғни ишлаш учун лозим бўлган эритма тайёр бўлади. Агар 1 грамм кислота 44 литр сувда эритилса, бу 125 килограмм уруғни ивитиш учун етади. Демак, 1 тонна уруғ учун 8 грамм кислотани 350 литр сувда эритиш лозим. Шу эритмани уруққа шимдириш учун, уни 3-4 бўлиб аралаштириш керак. Мисол учун 100 килограмм маккажўхори ёки қора (туксиз) чигит учун 35 литр, туклик чигит учун 45—50 литр эритма олинади. Уруғни асфальт ёки тахтаполга 10 сантиметр баландликда ёйилади ва лейка орқали уруққа 15 литр эритма сепилади. Сўнгра уруғ курак билан қайта-қайта аралаштириб, яна тўпланади ва усти бризент ёки коплар билан ўраб қўйилади. 3-4 соат ичида бутун эритмадаги кислотани уруғ шимиб олади; сўнгра яна 10 литр эритмани уруққа сепиб, қайталаб аралаштириб, яна уруғни тўплаб устини ўраб қўйиш лозим. Яна 2-3 соат ичида бу эритмани ҳам уруғ шимиб олгач, қолган 10 литр эритмани уруққа сепиб, яхшилаб аралаштирилади. 22—24 соат ичида эритмадаги бутун янтар кислотасини уруғ шимиб олади. Шундан сўнг уруғнинг устини очиб полга ёйиб қўйилса, ундаги ошиқча сувлар пар бўлиб чиқиб кетади. Шуни эсда тутиш лозимки, уруғ 35 литр эритмани шимиб олгач шунга нисбатан унинг хажми ошади, кисман каттароқ бўлиб қолади. Шунинг учун сеялкани шунга мослаштириб қўйиш лозим.

Янтар кислотасини маккажўхори, буғдой, арпа, шоли, сули, нўхат, сабзавот ва полиз экинлари учун ҳам ишлатиш мумкин, ундан фойдаланиш усули юқоридагидек.

1963 йилда Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозида 15 гектарга маккажўхори уруғини экишдан илгари янтар кислотаси билан ивитдик. Натижада уруғ тез униб чиқиб, яхши ривожланди. Шу хилда экилган жўхоризордан, ҳар гектар тажриба ердан 1.280 центнердан кўкпоя олинди. Шу колхозда 5 гектар ерга маккажўхорини дон учун экиб, ҳар гектаридан 80 центнердан дон олинди, бу эса мўлжалга нисбатан 20 центнердан юқори ҳосил демакдир. Янтар кислотаси ёрдами билан бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкин.

Агар куздa ёки эрта баҳорда ғалласимон экинларнинг уруғи янтар кислотаси билан ишлаб экилса, бу экинлар жуда тез пишади. У экинни тездан ўриб олиб, унинг ўрнига қайтадан маккажўхори ёки бошқа экин экиш мумкин. Ўзбекистон шароитида бир йилда ҳеч шубҳасиз икки марта ҳосил етказиш мумкин. Бунинг учун албатта янтар кислотасидан кенг фойдаланиш лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, уруғни дорилаб экдик, энди ўзи ўса беради деган хаёл билан агротехника қоидасига бўйин сунмасдан, унга ишлов бермасдан, экинни қаровсиз қолдириб бўлмайди.

Чунки янтар кислотаси азот, фосфор, калий, кальций ўғитларининг ўрнини босмайди, у юқоридаги ўғитларга ёрдамчи бўлиб, ўсимликнинг тупроқдан ва ҳаводан озиқланиши учун ёрдам беради ва юқорида айтганимиздек ҳосилдорликни оширади.

Янтар кислотасини қўллаш иқтисодий томондан фойдалидир, чунки бу кислотанинг 1 килограмми 4 сўм туради. 1 килограмм кислота эса 125 тонна уруғни ишлаш учун етади.

Юқоридаги фактлар янтар кислотасини пахта, ғалласимон полиз ва бошқа экинларнинг ҳосилини кўтариш учун зарур бўлган органик моддалардан эканини исботлайди. Ҳосилим ошсин, эрта пишсин деган деҳқон бу мўъжизакор дориворидан кенг қўлланиши лозим.

Р. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтининг лаборатория бошлиғи, биология фанлари кандидати.

И. ҚУВВАТБЕКОВ,
А. МУТАЛОВ,
институтнинг илмий ходимлари.

Чигит уруғлиги янтар кислотаси билан дорилаб экилганда пахта ҳосилдорлигининг ортишига ёрдам беради. Олим Раҳим Раҳмонов бу соҳада кўпгина тажриба ўтказиб яхши натижаларга эришди. Суратда: ўртоқ Р. Раҳмонов.

А. Палехов фотоси.

КОМПЛЕКС ЧОРВАЧИЛИК БРИГАДАЛАРИ КЎПАЙСИН

Кейинги вақтларда колхоз ва совхозларда комплекс чорвачилик бригадалари тузишга катта аҳамият берилабошланди. Чунки гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштиришда бу усулнинг афзал томонлари кўп эканлиги тажрибада исбот қилинди.

Бу жиҳатдан Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорларининг тажрибаси айниқса диққатга сазовордир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорвачиликни ривожлантириш ва меҳнатни ташкил қилишнинг энг тўғри йўлини топди: комплекс чорвачилик бригадаси тузилиб, бу бригадада ем-хашак етиштириш ишлари чорвачилик билан узвий равишда боғлаб олиб борилмоқда.

Масалан Ўртоқ Юсуф Холматов бошлиқ бригадага 250 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 125 бош сигир бириктирилди. Шу билан бригадага 90 гектар суғориладиган ер ҳам ажратиб берилди. Ана шу майдоннинг 73 гектарида беда, 10 гектарида маккажўхори ва 7 гектарида қанд лавлаги етиштирилди.

Бригадада 31 колхозчи бор, унга битта универсал трактори, 8 от, ва 4 та прицеп биркитилган. 3 та звено ташкил этилди, уларнинг иккитаси далачилик ишлари билан, биттаси чорва иши билан шуғулланади.

Колхозчиларга хўжалик ҳисоби бўйича, яъни етиштирилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлаш йўлга қўйилди. Далачилик бригадасида меҳнат қиладиган колхозчилар асосий ҳақдан ташқари пландан ташқари етиштирилган маҳсулотнинг харид баҳолари бўйича 15 процент қўшимча ҳақ оладилар. Масалан, бир гектар ердан 110 центнердан беда етиштириш планлаштирилган эди. Звенода парвариш ишлари яхши ташкил қилинганлиги туфайли беда ҳосилдорлиги 120 центнерга етди ва пландан ташқари 58 тонна беда олинди. Ана шу пландан ташқари топширилган ҳосил учун тўланадиган қўшимча ҳақ пулга айлантириб ҳисобланганда 135 сўмни ташкил этди. Бу пул бригада аъзоларига бўлиб берилди. Бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш туфайли олинадиган қўшимча даромад ҳам колхозчиларга ана шу усулда ҳисобланиб тақсимлаб берилади.

Бригада бошлиғига ҳам олинаётган маҳсулотнинг миқдорига қараб ҳақ берилади. Ўртоқ Холматовга молия плани бўйича ҳар беш тонна ем-хашак экини учун бир меҳнат куни; ҳар ўн центнер сут учун бир меҳнат куни ва тирик вазндаги бир центнер гўшт учун бир меҳнат куни ёзиш кўзда тутилган Холматов ўтган йили жами бўлиб 741 меҳнат куни ёки пулга айлантириб ҳисоблаганда бир йилда 1260 сўм ҳақ олди.

Ўтган йилнинг иш натижаларини кўздан кечирар эканмиз, меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашнинг бу янги усули жуда қўл келганлигини кўрамиз. Холматов раҳбарлик қилган комплекс чорвачилик бригадасида 1963 йилда бир центнер беда етиштириш учун планда кўзда тутилган 2,5 меҳнат куни ўрнига 1,85 меҳнат куни, 1 тонна силос етиштиришга 0,40 меҳнат куни ўрнига 0,32 меҳнат куни сарф қилинган. Ҳали бу янги усул жорий қилинмаган 1962 йилда бир центнер сут етиштиришга 2,95 меҳнат куни сарф қилинган эди. 1963 йили 2,05 меҳнат куни сарф қилинди. Бу бригадада ҳар бош соғин сигирдан 2600 килограммдан ошириб сут соғиб олинди ва ҳар юз бош сигирдан пландаги 85 ўрнига 95 тадан бузоқ олинди ҳамда сақлаб қолинди. Умуман колхоз бўйича ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 2579 килограммданга тўғри келди.

Шунингдек ўртоқ Мукаррам Юнусова раҳбарлик қилаётган комплекс чорвачилик бригадаси ҳам яхши натижаларга эришди. Бригада 46 гектар ерга эга, 40 аъзоси бор. Унга 1 та универсал трактори, 9 та от, 5 та арава биркитилган. Фермасида эса 317 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 83 бош сигир бор. Бригадада 1300 тонна ўрнига 1507 тонна озуқа бирлиги етиштирилди ва бир тонна силос етиштириш учун 0,30 меҳнат куни, бир тонна қанд лавлаги етиштиришга эса 3,15 меҳнат куни сарфланди. Бу колхознинг молия планида кўзда тутилганидан анча камдир.

Шундай қилиб колхоз чорвадорлари чорва туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш ишларини ем-хашак етиштириш билан узвий боғлаб олиб борганликлари, хўжалик ҳисоби жорий қилиниб, колхозчиларнинг моддий манфаатдорликлари оширилгани туфайли қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Гўшт-сут ва ем-хашак етиштиришга сарфланадиган маблағ анча миқдорда тежаб қолинди, пулга айлантириб ҳисоблаганда бу 6217 сўмни ташкил этади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Ўртоқ Холматов ва Юнусованинг комплекс чорвачилик бригадаларида ҳали ҳам бир қатор камчиликлар бор. Энг биринчиси шуки, бу бригадаларга бириктирилган ем-хашак экиладиган майдонлар кам. Шунинг учун ҳам чорвага ем-хашакнинг бир қисми ихтисослаштирилган сабзавотчилик бригадаларидан олинаяпти. Концентрат озуқалар сотиб олишга анчагина миқдорда маблағ сарф қилинаяпти. Чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш суст боряпти. Шунинг учун ҳам чорвачиликда ишлаш учун кўплаб колхозчиларни жалб қилишга тўғри келмоқда.

Ем-хашак экинларини парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб олиш ва ташишда баъзан бошқа бригадаларнинг техникасидан фойдаланишга тўғри келмоқда. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада етиштирилаётган маҳсулот таннархининг бирмунча қимматлашишига ва бригадаларнинг рентабеллилигини камайтиришга олиб келяпти.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу бригадаларда яна бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак. Энг муҳими чорвачилик ва далачилик ишларининг савиясини ошириш, буниг учун эса илғор фан ютуқлари ва тажриба, химия мўъжизаларини жорий қилиш, комплекс механизация асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни йўлга қўйиш керак.

Илғорлар тажрибаси — бу катта бойлик. Охунбобоев номли колхоз чорвадорларининг энг яхши тажрибаларини оммалаштиришга катта эътибор берияпти. Ҳозирги кунда область хўжаликларида ана шундай бригадалардан 67 таси ташкил этилди. Бу комплекс чорвачилик бригадаларининг бошлиқлари Охунбобоев номли колхозда бўлиб семинар машғулотларида қатнашдилар. Семинар машғулотларида қатнашганлар колхознинг ютуқларини қайд қилиш билан бирга комплекс чорвачилик бригадаларининг ишини янада яхшилаш учун бир қатор қўшимча тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифларни ўртага ташлайдилар.

Жумладан бригада аъзоларининг ўқувини ташкил этиш, бунда уларнинг зооветеринария билимларини оширишга эътибор бериш кераклиги қайд қилинди. Шунга эришиш керакки, ҳар бир бригада аъзоси янги қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш усулларини билиб олсин, шунингдек сутнинг ёғлилик даражасини аниқлаш қобилиятига ҳам эга бўлсин. Бригада составида беда етиштириш билан шуғулланадиган махсус звеноларнинг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу звеноларнинг сувчилари албатта комплекс чорвачилик бригадасининг аъзолари бўлишлари керак.

Ҳамма ерда комплекс чорвачилик бригадалари бошлиқларининг иқтисодий ўқувини ташкил этиш керак, шунингдек бундай бригадаларнинг 1964 йилдаги дастлабки иш якунларини тахлил қилиш ва яхши томонларини умумлаштириш учун экономистларни кенг жалб этиш лозим.

Комплекс чорвачилик бригадаларини ташкил этиш хўжаликнинг ўзида ички ихтисослаштиришни йўлга қўйишнинг энг муҳим усулларидандир.

С. МИРЕЦКИЙ,
Тошкент қишлоқ область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари.

САБЗАВОТ СЕРОБ БЎЛМОҚДА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхозининг теплица бригадаси аъзолари йил бўйи шаҳарликларга помидор, бодринг, кашнич, укроп, петрушка ва бошқа резаворлар етказиб бермоқдалар.

Совхоз теплицасида бу йил 130 килограмм помидор, 2000 килограмм бодринг ва ҳар хил кўкатлардан 500 килограмм етиштириш мўлжалланган эди. Лекин аҳил коллектив озиқлантиришнинг янги усулларини қўллаб, ҳосилдорликни бир ярим баравар оширди.

Бу йил пландан ташқари 700 килограмм помидор, минг килограмм бодринг ва минг килограмм ҳар хил кўкат етиштирилди.

Бу ютуқларнинг сири нимада, деган саволга теплица бригадасининг бошлиғи Умар ака Ғойибов бундай деб жавоб берди:

— Илғарилари кўчат деярли ярим гулини тўкиб юборар эди. Биз «ТУ» янги препарати қўлланишимиз ва «Инрвэ» ўғити билан ўсимликни баргидан озиқлантиришимиз натижасида ҳосилдорлик уч-тўрт баравар ошди. Ҳосилдорликни оширишда химия деҳқонларимизга қўл келаяпти.

Р. АКРОМОВ.

Шунингдек, хўжаликда кўчат ўтқазиш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда. Совхознинг Маҳмуд ака Алиев бошлиқ моҳир соҳиб-корлари 86 гектар боғдан йил сайин мўл мева ҳосили олмоқдалар. Бу йил эса боғ тўрт гектарга кенгайтирилади. Ҳозир бунга қизғин тараддуд кўрилаяпти. Суратда: боғдорчилик бригадаси бошлиғи Маҳмуд ака Алиев ўтқазиладиган кўчатларни бутаяпти.

Ҳ. Ҳайитмуҳамедов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Мен ва менинг ҳамаксбларим бу йил Ўзбекистон далаларида икки минг кўчиевчи ишлаши тўғрисидаги хушхабарни эшитиб жуда рухланиб кетдик. Икки мингта бригадада фақат машиналар кўмаги билан «оқ олтин» етиштирилса, қандай яхши-я. Қани энди, ҳамма бригадаларда ҳам шундай бўлса!

Бизнинг бригадамиз ҳам пахта устаси Жавод Кўчиевнинг бригадаси каби комплекс механизациялашган. 105 гектар еримиз бор. Бригадамизга битта ҳайдов ва иккита чопиқ трактори, иккита квадрат-уялаб чигит экадиган сеялка, чеканка мосламалари ўрнатилган иккита культиватор, учта пахта териш машинаси, битта кўрак териш машинаси, учта трактор прицепи биркитилган. Булардан ташқари энг янги машина — тўкилган пахтани териб оладиган механик под, боршчигимиз ҳам бор. Бошқа зарур техника воситаларини эса керак бўлган пайтда колхознинг машина саройидан олиб турамиз.

Биз ҳам Жавод Кўчиев каби ғўзани най усулида суғорамиз. Далаларни ўғитлаш учун ҳар гектар ер ҳисобига 180 килограммдан азот ва 175 килограммдан фосфор олдик.

Бу йил бригадамизда катта ўзгаришлар бўлди. Энди ўтган йилги 32 киши ўрнига 17 киши ишлайди. Ўтган йили ҳар бир киши ҳисобига 3,3 гектар майдон тўғри келган бўлса, бу йил 6,1 гектар тўғри келади.

Биз янги технология асосида ишлаб, бу йил гектар бошига камида 34 центнердан хирмон кўтаришга ва давлатга 3500 центнер «оқ олтин» сотиб, 134,5 минг сўм даромад олишга аҳд қилдик. Бултур колхоз бўйича киши бошига 91 центнердан пахта етиштирилган бўлса, биз бу йил бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 210 центнердан пахта етиштирмоқчимиз. Бултур колхоз бўйича бир центнер пахтанинг таннархи 27 сўм 39 тийинни ташкил этган эди. Бригадамиз аъзолари эса бу йил шу рақамни 17 сўм 55 тийинга туширишмоқчи.

Қисқаси, Жавод Кўчиевнинг илғор технологияси асосида иш юритиб, етти йиллигимизнинг олтинчи йилини ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятлироқ якунлаш учун куч-ғайратимизни аямай меҳнат қиламиз.

Шоди РАҲМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ. Охунбобоев номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

— Мўл ҳосил оламан деган деҳқон, аввало, ёввойи ўт илдизини қуритиши керак. Ёввойи ўт экинларга берилган озуқалар ҳисобига семиради, экинни сиқиб қўяди. Шунинг учун ҳам майдонларни ерга чигит қадалмасдан олдин илдизлардан тозалаган маъқул, — дейди Янгийўл бошқармасидаги Калинин номли колхознинг тажрибали бригада бошлиғи Умрзоқ ака Ҳамробеков.

Ҳа, кекса пахтакор тўғри айтади. Ёввойи ўт ҳосилнинг душмани. Умрзоқ ака эса кўпдан бунга амал қилади. Шунинг учун ҳам у ўз бригадаси аъзолари билан ўтган йили 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарди.

Миришкорлар пахта майдонларини бу йил яна бирмунча кенгайтириб, гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишди. Бригада аъзоларининг ҳалол меҳнати туфайли ҳозиргача 800 тонна ғўнг тайёрланди. Ариқ-зовурлар барвақт тозаланди. Шу кунларда бригада далаларида чизел солиб ёввойи ўт илдизларини териб олиш қизғин авж олдириб юборилган.

М. МУҲАМЕДОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚЎРҒОН. Халқимиз «иш қуролинг сўз бўлса, машаққатинг оз бўлур» дейди. Бошқармадаги Ҳамид Олимжон номли колхоз миришкорлари ана шу сўзга амал қилиб ишлашади. Колхоз аъзолари қўклам экишига пухта ҳозирланаяптилар. Қишлоқ хўжалик техникаси мавсумга шайлаб қўйилянти. Ҳозиргача хўжаликнинг мавжуд 42 чопиқ трактори ремонтдан чиқариб қўйилди, 220 та борона сифатли созланди. Культиваторлар ремонти ҳам тугалланай деб қолди.

Ҳ. АҲМЕДОВ.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Бошқармадаги «Қизил Октябрь» колхози аъзолари КПСС Марказий Қомитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорлари асосида ишлаб, дала ишларини кундан-кунга қизитаётирлар. Гектарлардан мўл-кўл «оқ олтин» етиштиришга отланган меҳнатсеварлар барча ишларни уюшқоқлик билан ташкил қилиб, ариқ-зовур тозалашни тугалладилар. Шунингдек, жами копиқ тракторлари ва сеялкалар мавсумга тахт қилиб қўйилди. Пахтакорлар қўклам экиш кампаниясини намунали ўтказиш учун курашмоқдалар.

Т. ЭРМАТОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ МАКТУБИГА ДАНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЖАВОБИ

МОСКВА, 18 март. (ТАСС). Дания бош министри Е. О. Краг Н. С. Хрушчевнинг жаҳондаги давлат (ҳукумат) бошлиқларига юборган мактубига қайтарган жавобида Дания ҳукумати тинчлик ишини доим мустаҳкамлашга ва ҳар қандай халқаро низоларни тинч воситалар билан ҳал этишга жуда катта аҳамият беради деб таъкидлайди. Шу сабабли, Дания ҳукумати, дейилади хатда, Совет ҳукуматининг территория низоларини шу тариқа ҳал этиш зарурки, бунинг натижасида тинчлик бузилмасин ва куч ишлатилмасин, деган фикрига қўшилади.

Дания бош министри Е. О. Краг қуролланиш пойгаси тинчлиққа жиддий хавф туғдиришини таъкидлаб, бундай дейди: Умумий тинчлик манфаатларини кўзлаб, қуролланиш пойгаси тўхтатилсин, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш йўлидаги конкрет тадбирлар амалга оширилсин ҳамда асосий ихтилофларга барҳам берилсин. Кейинги вақтларда бу йўлда эришилган натижалар, масалан, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида тузилган Шартнома ҳамма жойда истиқболга катта умид туғдирди.

Дания бош министри Н. С. Хрушчевга юборган хатида қуйидагиларни ёзади: «Дания ҳукумати Сизнинг 1963 йил 31 декабрдаги мактубингизда территория низоларини тинч бартараф қилиш тўғрисида илгари сурилган таклифлар катта эътиборга сазовордир ва тинчликни сақлаш йўллари ва воситалари тўғрисида ўтказилаётган кенгашлар ҳамда музокараларда бу таклифлар шубҳасиз эътиборга олинади, деган фикрни билдиради».

СССР—АРАБЛАРНИНГ СОДИҚ ДЎСТИ

БАЙРУТ, 18 март. (ТАСС). Ливаннинг «Аннидо» газетаси Яман Араб Республикаси президенти Абдулла Ассалолнинг ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб Яман-Совет муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида айтган гапларини шарҳлаб, Совет Иттифоқи билан араб халқлари ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни ҳимоя қилишнинг асосий шартидир, шу районда тинчликни ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир, деб ёзмоқда. Араб халқлари, деб ёзади газета, президент Ассалолнинг арабларнинг содиқ дўсти Совет Иттифоқи билан муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида кўраётган тадбирларини қувватлайдилар.

Яман ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисидаги хабарлар Ливан матбуотида кенг ёритилмоқда. Газеталар делегациянинг Москвада бўлиши тўғрисидаги батафсил ҳисоботларни кўзга кўринарлик жойларда босиб чиқармоқдалар ва бу визитнинг катта сиёсий аҳамияти борлигини таъкидламоқдалар.

АВАНТЮРАНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА ҚАРОР БЕРДИЛАР

ВАШИНГТОН, 18 март. (ТАСС). Мудофаа министри Макнамара ва штаб бошлиқлари комитетининг раиси генерал Тэйлор Жанубий Вьетнамга қилган сафарлари тўғрисида кеча президент Жонсонга ва миллий хавфсизлик кенгаши аъзоларига ахборот бердилар.

Оқ уйнинг баёнотида айтилишича, улар «Жанубий Вьетнамдаги аҳвол тўғрисида, генерал Кхань ва унинг ҳукумати кўраётган тадбирлар ҳақида ва ана шу тадбирларни қўллаб-қувватлаш ҳамда кучайтириш учун Қўшма Штатларнинг ёрдам бериши зарур эканлиги тўғрисида» ахборот берганлар.

Оқ уйнинг баёнотида кўрсатиб ўтилишича, президент Жонсон ахборотни ва миллий хавфсизлик кенгаши маъқуллаган асосий тавсияларни қабул қилган.

Макнамара ва генерал Тэйлор Жанубий Вьетнам ҳарбий хунтасининг аҳволи оғирлашганлигини ва ўтган йилнинг октябрь ойидан кейин Жанубий Вьетнамда «шан-шубҳасиз мураккаб сиёсий ишларга дуч келинганлиги»ни билдирдилар.

Генерал Кхань, дейилади Оқ уйнинг баёнотида, «уруш олиб боришнинг умумий плани»ни тақдим этди. Бу планга мувофиқ, деб таъкидланади Оқ уйнинг баёнотида, генерал Кхань «миллий сафарбарлик плани»ни амалга ошириш, «ярим ҳарбий кучларни» мустаҳкамлаш ва «партизанларга қарши пухта тайёрланган кучларни» вужудга келтириш ниятидадир.

«Бу программани амалга ошириш учун,— дейилади баёнотда,— Вьетнам экономикасидан талайгина қўшимча харажатлар ажратиш талаб этилади. Вьетнамнинг экономикаси эса Американинг иқтисодий ёрдамига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гарчи бундан камроқ миқдорда бўлса ҳам, ҳарбий ёрдам фондларидан маблағ ажратиш ва ҳарбий тайёргарликни кенгайтириш талаб этилади. Қўшма Штатлар гражданлик йўли билан ҳам, ҳарбий йўл билан ҳам ана шу тадбирларни амалга ошириб келмоқда».

Қўшма Штатлар, дейилади Оқ уйнинг баёнотида, ҳозирча зарурат бор экан, Жанубий Вьетнамга ёрдам кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатини бундан буён ҳам амалга ошира беради.

МАНА МАҚТАНИЛГАН «ДЕМОКРАТИЯ!»

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). «Афро-Америкэн» газетаси хабар беради: Ўтган йили АҚШда ирқий камситишга қарши, гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган намойишлар вақтида Америка гражданларидан 15 мингга яқин киши қамоққа олинди.

Қамоққа олинганларнинг роят кўпчилигини неграр ташкил этади.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● **«Вячеслав Шишков» совет юк пароходи Сомали Республикасининг шимолида жойлашган Бербера портига етиб келди. Пароход цемент, саноат ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва медицина асбобларини олиб келди. Бу юкнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи ёрдами билан Сомалида қурилаётган объектлар учун мўлжаллангандир.**

● **Танганьика Африка миллий иттифоқи партияси тузилганлигининг ўн йиллигини нишонлаш юзасидан 1 июлдан 7 июлгача миллий фестиваль ўтказилади.**

Либревилда намойишлар

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси қуйидагиларни ёзади: Габон пойтахти Либревилда халқ намойишлари ҳали ҳам давом этмоқда. Намойишчилар президент Леон Мбанинг дарҳол истеъфо беришини талаб қилмоқдалар.

Шаҳарда варақалар тарқатилмоқда. Бу варақалар «француз президенти» диктатурасига қарши кураш олиб боришга даъват этади ва француз қўшинларини мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетишни талаб этади. Ана шу президент француз қўшинларининг ёрдами билан ҳали ҳам ҳокимият тепасида турибди.

Габон, деб ёзади «Юманите» газетаси, ҳозирги вақтда аҳолининг ҳар қандай ҳаракатларини бостираётган француз парашютчилари томонидан оккупация қилинмаганида, Леон Мба ҳокимият тепасида икки кун ҳам ҳололмас эди.

КОНГОДА АҲВОЛ

ЛОНДОН, 18 март. (ТАСС). Конгонинг Квилу вилоятида Конгода ҳукм сураётган ҳарбий-полиция режимига қарши халқ ҳаракати кучайиб бормоқда. Квилуда жуда кўп партизан отрядлари ҳаракат қилмоқдалар. Патрис Лумумба ишининг давомчиси Пьер Мулеле ана шу партизан отрядларига етакчилик қилмоқда. Партизанлар ҳаракати мамлакатнинг бошқа районларига ҳам тарқалди.

Партизанлар ҳаракатини бостириш мақсадида Квилуга ҳарбий мадад кучлар юборилмоқда. Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, ҳукумат қўшинларининг бир батальони Квилуга юборилган. Бу батальон шу вақтгача Катанга вилоятида турган эди.



Баҳор. Анҳор ёқасида... А. Абалян фотоэтюди.

„Билим" жамияти ҳисоб берди

Яқинда Чирчиқ шаҳрида «Билим» жамияти шаҳар бўлимининг биринчи умумшаҳар конференцияси бўлиб ўтди. Бўлим раиси ўртоқ В. Макеев ўтган йили аҳоли ўртасида лекция пропагандаси соҳасида қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. «Чирчиқхиммаш» заводидаги сиёсий маориф кабинети ходимларининг иши айниқса диққатга сазовордир. Улар турар-жой кварталларида 9 га яқин лекторий ташкил қилиб, қизиқарли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар.

Конференцияда «Билим» жамияти шаҳар бўлими ишидаги камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, ишлаб чиқариш илғорлари, шаҳар корхоналарининг ютуқлари тўғрисида лекциялар кам ўқилади, атеистик пропаганда эса яхши йўлга қўйилмаган. Конференция келгусида ана шу камчиликларни тугатишга қаратилган амалий тадбирлар белгилади.

Конференция охирида энг яхши лекторлардан ўн кишига жамиятнинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ШАХМАТ

ГОЛЛАНДИЯГА КИМ БОРАДИ?

Жаҳон чемпиони билан учрашиш ҳуқуқини олгунга қадар эр шахматчиларга бир неча марталаб «ғалвир»дан ўтишга тўғри келади. Ҳар қайси мамлакат ўз биринчиликларини ўтказади ва уларда ғолиб чиққанлар зона мусобақаларида ўзаро куч синашадилар.

Бу галги саралаш мусобақалари бошқача. Маълумки, шахмат харитаси оддий хариталардан фарқ қилади. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) жаҳонни ўн зонага бўлган. Шахматга бўлган қизиқиш жаҳоннинг ҳамма ерида бир хил эмас ва эр шахматчиларнинг сони территория ва аҳолининг сони билан белгиланмайди. СССР, АҚШ ва Канада учта алоҳида зонани, Европа мамлакатлари ҳамда Мальта, Кипр, Тунис, Бирлашган Араб Республикаси, Ливан, Жанубий Африка Иттифоқи шахматчилари уч зонани, Марказий Америка ва Жанубий Америка икки зонани, Хиндистон, Мўғулистон, Таиланд, Туркия ва Исроил Ғарбий Осиё деб аталувчи тўққизинчи зонани, Австралия, Янги Зеландия, Индонезия, Малайзия, Филиппин ва Япония шахматчилари Шарқий Осиё деб аталувчи ўнинчи зонани ташкил этадилар.

СССР зонаси турнири бошланиши олдидан бошқа кўпгина зоналарда якун ясалган эди. Кейинги 15 йил мобайнида ўтказилган СССР чемпионатларининг учдан бири зона турнири ўрнини босган бўлса, бу гал СССР шахмат федерацияси охирги биринчилиқда олдинги етти ўринни эгаллаганлар ўртасида яна бир саралаш турнири ўтказишни лозим топди. Ушбу турнир қатнашчиларининг бештаси ўз вақтида мамлакат чемпионлигига сазовор бўлган. Гроссмейстерлар Д. Бронштейн, В. Корчной, Е. Геллер, Б. Спасский кўпгина йирик халқаро турнирларнинг голиби сифатида анчадан бери жаҳонга машҳур бўлсалар, бу йилги СССР чемпиони Леонид Штейн, халқаро гроссмейстер Р. Холмов ва қоларверса, СССР биринчилигида ажойиб ютуқларни қўлга киритган халқаро мастер А. Суэтин ҳар қандай мусобақага ҳам «гул» бўлиб туша оладиган даражадаги шахматчилардир.

Мусобақа шартига кўра бу етти шахматчи ўзаро икки мартадан, яъни 12 тадан партия ўйнаши керак эди. Биринчи даврада 6 имконияти-дан 4 очко тўплаган Д. Бронштейн ва 3 ярим очко тўплаган Р. Холмов олдинга ўтиб олишди. Бироқ иккинчи даврада 4 ярим очко олган В. Спасский кўпларни «дог»да қолдириб, биринчи ўринга чиқди. Аввалари яримтадан очко етмай жаҳон биринчилиги учун кураш имкониятидан маҳрум бўлган Спасский бу гал ҳақиқий турнир «жангчи»си эканлигини намойиш қилди. Д. Бронштейн иккинчи даврада 2,5 очкогина олган бўлса-да, унинг аввалги запаслари қўл келди. Бронштейн иккинчи ўринни якка ўзи эгаллагани йўқ —иккинчи даврада 4 очко йиққан Л. Штейн унга етиб олди. Улар 2—3 ўринларни баҳам кўришди. Бу уч шахматчи шу йилнинг май ойида Голландияда ўтказиладиган зоналараро турнирда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу турнирда 10 зонанинг 22 та голиби ҳамда собиқ жаҳон чемпионлари В. Смислов ва М. Таль иштирок этади.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

АВТОМАТ ҲАРФ ТЕРАДИ

Москвалик мутахассислар китоб ва журналларнинг текстларини автоматин равишда тез ва сифатли қилиб тераоладиган ажойиб кибернетика қурилмаси ихтиро қилдилар. Янги қурилма унчалик мураккаб эмас. Оддий ёзув машинкасига ихчам қилиб ясалган ҳисоблаш-ечиш қурилмаси ўрнатилган.

Малакали машинистка таҳрир қилинган текстни ёзув машинкасида кўчиради. Айни пайтда, ҳар бир босилган ҳарфни кузатиб борувчи электрон аппарати лентани тешиб туради. Шу тарзда, лентага машинистка ёзаётган китоб тексти эмас, балки шартли белгилар тушади. Энди тешикли (перфорацияли) лентани цехга элтиб, автоматик равишда ҳарф қуювчи линотип машинасига кўйиш кифоя.

Ҳарф териш шу усул билан бажарилганда, бу процесс аввалига нисбатан саккиз марта тез бажарилади. Гранка ҳам керак бўлмайди. Шуни айтиш керакки, ҳар бир сатрга териладиган ҳарфлар сонини ҳам, сўзлар орасидаги бўш жойларни ҳам машинистка эмас, балки автомат бажаради. Сатр тугаши билан махсус лампа ва стрелка хабар беради.

Эҳтимол, нейнчалик префолентага ҳам ҳожат қолмас. У вақтда ҳисоблаш-ечиш қурилмаси сигнал ва буйруқларни автомат линотипга юборади. Алоқа воситалари орқали бу сигналларни бошқа шаҳарларга ҳам юбориш мумкин бўлади.

ИККИ ҲАФТАДА ТЎРТ ҚАВАТЛИ УЙ

Чилонзорнинг 7-Б секторида бошқа хашаматли уйлар қаторида иккита 48 квартирали тўрт қаватли янги турар-жой биноси қад кўтарди. Бу иморатлар атрофдаги уйлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўтган-кетган кишилар бу ҳашаматли, чиройли уйларга бир зум тикилиб қоладилар. Ҳа, бу бинолар республика пойтахти уй-жой қурилишида янгилик ҳисобланади. Улар шу вақтгача амалда деярли ишлатилмаган керамзито-бетон панелларидан йиғилган.

Керамзито-бетон панелларидан турар-жойлар қуришнинг афзалликлари кўп. Аввало шуни айтиш керакки, бундай панеллардан уй қуриш жуда арзонга тушар экан. Унинг ҳар бир квадрат метрини қуриш учун ўрта ҳисобда 86 сўм сарфланди. Бунга айвонча, уй ичида ҳавони конденциялаш қурилмалари учун қилинган харажатлар ҳам киради. Шундай бўлишига қарамай, унга сарфланадиган харажат оддий темир-бетон панелли уйларни қуриш учун сарфланадиган харажатларга қараганда бир ярим баравар арзондир.

Янги усулнинг иккинчи афзаллиги шундаки, бунда бинолар тез қурилади. 4 қаватли, 48 квартирали уй 14 иш кунида тўла йиғилади. Уйларнинг бундай суръатлар билан қурилиши бинокорлик тажрибасида ҳеч содир бўлмаган. Уй хоналарида меҳнаткашларнинг маданий истиқомат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Хоналар ҳаво ёрдамида иситилади ва совутилади. Ҳаво бино пойдеворидаги трубалар орқали ўтади.

Бу керамзито-бетон уйлар лойиҳасини «Узоргтехстрой» трести архитекторлари Е. Жмуйда ва А. Жмуйда ўртоқлар яратишган. Уйларнинг деворлари, пол ва шиплари завод шароитида тайёрланади. Бу эса қурилиш ишларини механизациялаш учун чексиз имкониятлар очиб беради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Янги Оҳангарон шаҳрида китоб магазини ишлайбошлади. Унда халқ хўжалиги, фан ва адабиётнинг барча турларига оид китоблар сотилмоқда. Суратда: сотувчи ўртоқ Г. Буянова харидорлар хизматида

М. Нуриддинов фотоси.

«БАҒРИТОШ ОТА» МАҚОЛАСИ ҲАҚИДА

Газетамизнинг шу йил 23 февраль сонида босилган «Бағритош ота» мақоласи жамоатчилик муҳокамасига қўйилгач, газетхонлардан жуда кўп хатлар олинди. Меҳнаткашлар беш фарзандини, оиласини ташлаб бошқа аёл билан бўлиб кетган Ш. Ҳамидовнинг қилмишини қаттиқ қораладилар. Уни ўз оиласига қайтиши зарурлигини айтдилар. Ана шу хатлардан бирнечтаси газетамизда босилган эди.

Ш. Ҳамидовнинг хулқ-атвори ўзи ишлаётган коллектив ўртасида, Тошкент вагон-ресторан партия, насаба союз активлари йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилинган, Шоазиз Ҳамидов ана шу муҳокамада қилмишига иқрор бўлган ва бу аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб, ўз оиласига қайтишга сўз берди. У оиласига қайтди.

Редакция Ш. Ҳамидов ва Насиба Раҳмонбердиевалардан ҳам хат олди. Улар ўз хатларида оилаларини тиклашга ёрдам берган жамоатчилиндан миннатдор бўлганликларини газета орқали билдиришни сўрашган. Қуйида Ш. Ҳамидов ва Насиба Раҳмонбердиеваларнинг хатларини эълон қиламиз.

ОИЛАМГА ҚАЙТДИМ

Мен 15 йиллик ширин турмушимни, беш фарзандимни оёқ ости қилиб янглишганлигимни энди тушундим. Кўзим очилди. Қилмишимга пушаймонман. Мени нотўғри йўлдан қайтаришда, оиламни тиклашда ёрдам берган эл-юртдан миннатдорман. Дўст ачитиб гапиради, деганлари ҳақ экан. Менинг шаънимга айтилган аччиқ таъналар, холис панду-насиҳатлар оиламизнинг бузилиб кетмаслиги, фарзандларимнинг тирик етим бўлмаслигида катта ёрдам берди. Ўзим ишлаётган коллектив йиғилишида ҳам қилмишларим қаттиқ қораланди. Дўстларим менга тўғри йўлни кўрсатиб беришди.

Мен оиламдан, рафиқам Насибадан, жамоатчиликдан узр сўрайман. Ҳозир оиламга қайтдим. Болаларим атрофимда парвона. Бундан сўнг фарзандларимни оталик меҳри билан тарбиялаш, ўз хонадонимнинг содиқ соҳиби бўлиб қолишга ваъда бераман.

Шоазиз ҲАМИДОВ.

ЖАМОАТЧИЛИКДАН МИННАТДОРМАН

Оилам бузилиб, умр йўлдошим Шоазиз Ҳамидов болаларимни ташлаб кетганида менга ва фарзандларимга илиқ меҳр изҳор этган, умр йўлдошимни оилага қайтаришда менга катта ёрдам берган ота-оналар, опа-сингиллар, тенгдош дугоналар ва жамоатчиликка икки қўлимни кўксимга қўйиб болаларим номидан раҳмат демоқчиман. Умр йўлдошим хатоларини тушунди. Оиламизга қайтгани бизни бениҳоя қувонтирди. Кичкинтойларим эса ҳозир ўзида йўқ шод...

Ҳурматли редакция! Ҳозир биз тотув яшаяпмиз. Газетангиз орқали бизнинг оила ҳақида шунчалик қайғурган ва оиламизни тиклашга кўмаклашган жамоатчиликка миннатдорчилигимизни билдиришингизни сўрайман.

Насиба РАҲМОНБЕРДИЕВА.

ТОШКЕНТ ДИПЛОМАНТЛАРИ ШИМОЛ КОНЧИЛАРИНИНГ МЕҲМОНИ

Тошкентдаги А. Н. Островский номли театр-рассомчилик билим юрти кечки бўлимининг дипломантлари Заполярье кочегаркаси — Воркута кончилари ҳузурида меҳмон бўлишди. Кончиларни ўз диплом спектаклари билан таништириш мақсадида шу сафарга отланишди. Дипломантлар шахтёрлар Маданият уйи саҳнасида А. Н. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас», япон драматурги Д. Киноситнинг «Турна патлари» ва И. Штокнинг «Илоҳий комедия» номли учта саҳна асарини намойиш қилдилар. Спектаклларни кончилар қизғин кутиб олишди. Меҳмонлар хайрлашиш олдидан Маданият уйи саҳнасида катта концерт қўйиб бердилар. (АПН).

„БАҲОР" ГУЛЛАРИ

(Қ У Ш И Қ)

«Баҳор»даги ой қизлар,
Рақсларга бой қизлар.
Санъатга чирой қизлар,
Чаманда раъно қизлар,
Ойдин йўл, барно қизлар.
Ҳусн талашиб сиздан,
Қуёш сўрайди биздан;
Ўргулсанг қирмиз юздан,
Чаманда раъно қизлар,
Ойдин йўл, барно қизлар.
Саҳнамизнинг гуллари,
Элга мос кўнгиллари,
Боғимиз булбуллари,
Чаманда раъно қизлар,
Ойдин йўл, барно қизлар.
Сиз даврага чиққанда,
Меҳр жўшар жон-танда,
Унинг, ўсинг Ватанда,
Чаманда раъно қизлар,
Ойдин йўл, барно қизлар.

Юсуфжон ҲАМДАМ

БИЛДИРИШ

Бугун кеч соат 18-00 да Бирлашган босмахона (Ленин хонасида) шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 МАРТДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

Рус тилида: 18.00 — **Одоб мактаби** (болалар учун), 18.30 — **Телевизион янгиликлар,** 18.50 — **Саёҳатлар клуби,** 19.15 —**Жазирама ёзда** (телевизион спектакль).

20.35 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар,** 21.00 — **Ҳуснбузарлар,** 21.15 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан. **Ўзбекистоннинг ёш рассомлари,** 21.40 — **Алёшканинг севгиси** (бадиий фильм).

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Куба қизи,** 21/III да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — Москва гастроллари олдидан — 20/III да **Биринчи муҳаббат,** 21/III да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да **Зарафшон қизи.** Кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Лилипутлар» музикали аттракционининг сўнгги кунлари.** Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Бўрилар орасидаги ялангоч — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Етти азамат (1 ва 2-серия)—НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Елена» нўрфази — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Остонангда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кодин — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20 мартда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Фахриддин Умаров, Сора Шукурова, Тўхта Алихўжаева, Манзура Мўминова** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

"Узэнергосбит"

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ

ҳовли ва кўчалардаги, уй, муассаса ва магазинлардаги

Ташқи электр чироқларини,

шунингдек бинолар ичидаги электр чироқларини

КУН ЕРИШИ БИЛАНОҚ УЧИРИШЛАРИНИ СУРАЙДИ

Ташқи чироқларни кундуз ёқиш ҳоллари кўрилган тақдирда, электр бериш оғоҳ қилмасдан тўхтатиб қўйилади.

Красний партизан кўчаси, 20-уйда турувчи **Зокир Алимович Абдуллаевнинг** Қорасарой кўчаси, 41-уйда турувчи Қутби Абдуллаева (Юсупова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўчаси, 13-тупик, 15-в уйда турувчи **Асад Раҳмоновнинг** Северний Олмазор кўчаси, 3а-уй, 13-квартирада турувчи Азиза Раҳмоновадан ажралиш ҳақидаги иши, Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Қўйлиқ қишлоқ советидаги «XXI-партсъезд» совхозининг 4-бўлимида турувчи **Азимжон Ҳасановнинг** шу совхозда турувчи Фотима Ҳасановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Калинин районидаги 1-боғдорчилик совхозида турувчи **Арапат Сартаеванинг** шу райондаги Охунбобоев номли колхозда турувчи Илхом Ғаниевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Виставка кўчаси, Сада проезд, 16-уйда турувчи **Шоназар Имомовнинг** шу уйда турувчи Зуҳра Имомовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари—25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06448. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1715.